

Қ. ҲОЖИМАТОВ, М. ОЛЛОЁРОВ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАРИ
ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ**

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
1988

42.143
Х 59

Ҳожиматов Қ., Оллоёров М.
Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари
ва уларни муҳофаза этиш (масъул муҳаррир
Т. О. Одилов).— Т.: Фан, 1988.— 60 б.

1. Автордош.

Ходжиматов К. Х., Алляяров М. У. Лекар-
ственные растения Узбекистана и их охрана.

ББК 42.143

Рисолада шифобахш ўсимликларнинг ботаник таърифи, тарқа-
лиши, кимёвий таркиби, фойдаланиш усуллари ҳамда табиий бой-
лик ҳисобланган шифобахш ўсимликларни муҳофаза этиш йўлла-
ри баён этилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир
биология фанлари кандидати Т. О. ОДИЛОВ

Тақризчилар:
биология фанлари кандидатлари
Ғ. Ҳ. ҲАМИДОВ, Қ. Т. ТОЙЖОНОВ



10

18488

10 0 91

Х $\frac{3803030102-3800^1}{М 355(04)-88}$ 205—88

ISBN 5-648-00109-6

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1988 й.

МУҚАДДИМА

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқларимизнинг моддий, маданий ҳамда маънавий фаровонлигини мустаҳкамлаш борасида улкан ишларни амалга оширмоқда. Айни пайтда инсон саломатлигини қайта тиклаш, ҳордиқ чиқариш учун замонавий дам олиш уйлари, истироҳат боғлари, санатория ва шифохоналар, умуман айтганда барча шароитлар муҳайё этилган. Шунингдек, саломатликнинг муҳим омили — дори-дармонларни ҳам етарли миқдорда ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда.

Тайёрланаётган дори-дармонларнинг таъсир қувватини ошириш ҳамда сифатини яхшилаш билан бир қаторда инсон саломатлигига зарар қилмайдиган, бошқа хасталикни вужудга келтирмайдиган табиий хом ашёдан яратилаётган дориларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни тақозо этади. Ана шу муҳим вазифаларни ҳал этишда барча табиий манбалардан, аynиқса ўсимлик хом ашёлари бойликларидан унумли ва оқилона фойдаланишимиз зарур.

Ҳозирги кунда СССР флорасида 2500 ўсимлик турларининг шифобахш хусусияти аниқланган бўлиб, улардан 235 тури илмий медицинада дори-дармон сифатида кенг ишлатилади.

Ўзбекистон ўсимликларининг 600 га яқин тури шифобахшлик хусусиятига эга бўлиб, улардан 50 тури СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги фармакологик Комитетининг рухсатига мувофиқ илмий медицинада ишлатилиш ҳуқуқига эга бўлган шифобахш ўсимликлардан ҳисобланади.

Шу кунларда дори-дармонларнинг 40—47 проценти ўсимлик хом ашёларидан тайёрланмоқда. Ўсимликлардан тайёрланган дори-дармонлар сунъий (синтетик) йўллар билан ишлаб чиқарилаётган дориларга нисбатан бир қанча устунликларга эга. Чунончи, уларнинг таркибини мураккаблиги, яъни ингредиентларнинг турли-туманлиги маҳсулотнинг шифобахшлик хусусиятини

яхшилабгина қолмасдан, балки таъсир этиш қувватини ва сифатини оширади.

Табиий хом ашёлардан тайёрланган дори-дармонлардаги ингредиентларнинг ўзаро ҳамкорликдаги таъсир этиш қуввати сунъий дори-дармонлардаги алоҳида моддаларнинг таъсир кучига нисбатан юқори бўлади. Шу сабабли ҳам ўсимлик хом ашёларидан тайёрланаётган дори-дармонларга бўлган эҳтиёж кун сайин ошиб бормоқда. Бу ҳол шифобахш ўсимликлардан кенгроқ фойдаланишни тақозо этади.

Шифобахш ўсимлик бойликларидан фойдаланишда, ўсимлик гуруҳларининг экологик мувозанатига таъсир этмаслик учун уларни йиғиштириб олиш ва тайёрлаш қондаларига риоя қилинса, бу мувозанат бузилмайди, балки ўсимликлар йўқотган массаларини осон ва тез қайта тиклайди. Ўсимлик хом ашёларини йиғиштиришда турларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олмаслик, оқилона фойдаланмаслик ўсимлик турлари ҳамда бойликларини қайта тиклашга жуда катта зиён келтиради.

Шу сабабли рисолада Ўзбекистон шароитида кенг тарқалган шифобахш ўсимлик турларидан унумли ва оқилона фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш, уларнинг қисқа ботаник таърифи, тарқалиши, бойликлари, ишлатиладиган аъзолари, фойдаланиш муддатлари, кимёвий таркиби ҳамда табиий бойликларини муҳофаза этиш йўллари тўғрисидаги маълумотлар баён этилади.

ЎСИМЛИКНИНГ ШИФОБАХШ БЎЛИШИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

✓ Дарҳақиқат жуда кўл ўсимлик турлари шифобахш, яъни дори-дармонлик хусусиятига эга. Гарчи, шундай экан, уларнинг қувват берувчи кучлари нималарга боғлиқ?

Аввало шуни қайд этиш лозимки, ўсимликлар мураккаб тузилишга эга бўлган жонли табиий кимёвий лабораториядирки, улар оддий неорганик моддалардан мураккаб органик моддалар ёки бирикмаларни яратиш қобилиятига эга. Ана шу ҳосил бўлган мураккаб тузилишдаги моддалар фақат ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши жараёнида аниқ бир физиологик вазифани бажарибгина қолмасдан, балки уларни ташқи муҳит таъсиротларидан ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ўсимлик органларида тўпланган органик ёки биологик актив моддалар саноатимиз ва халқ хўжалигимизнинг турли тармоқлари ҳамда медицина шохобчалари учун юқори сифатли хом ашё манбаларидан ҳисобланади.

✓ Шифобахш ўсимликлар таркибида карбонсувлар, органик кислоталар, полисахаридлар, крахмал, оқсил, мой ва мой кислоталари, эфир мойлари, алкалоид, танид, сапонин, глюкозид, аччиқ моддалар, фитонцидлар, микроэлементлар, витаминлар, минерал тузлар ва бошқа моддалар бўлади. Ана шу моддаларнинг комплекс таъсири сабабли ўсимликлар шифобахшлик хусусиятига эга. ✓

Бу бирикмалардан айримлари ҳақида баъзи бир маълумотлар келтирамыз.

БЎЁҚ МОДДАЛАР. Ўсимлик органлари турли пигментларни, яъни бўёқларни сақлайди. Уларга хлорофилл, флавоноид, антоциан, каротиноид ва бошқалар киради.

Хлорофилл яшил бўёқ бўлиб, ўсимлик органларининг яшил қисмларида учрайди. Бу модда хлорофилл «А» ҳамда хлорофилл «Б»га бўлинади. Хлорофилл сувда парчаланмайди, аммо ёғда парчаланади.

ФЛАВОНОИДЛАР сариқ ранг деган сўзни англа-

тади. Улар табиий мураккаб бирикмалардан бўлиб, бензо-V пирон маҳсули ҳисобланиб, унинг асосини фенил-пропан ташкил этади.

Флавоноидлар, ўз навбатида, флавоон, флавонол, флавононол, катехин, антоциан каби группаларга бўлинади.

АНТОЦИАНЛАР бинафша рангдан тортиб то қизил ранггача бўлган бўёқ кўринишини беради. Антоцианлар флавоонли глюкозидлар ҳисобланиб, гидролизланиб, қанд ҳамда агликон-антоцианидинга парчаланади. Улар, ўз навбатида, керацианин, энин ва бетанинларга бўлинади. Антоцианлар сувда яхши эрийди, қиздирилса ёки қайнатилса тез бузилади, яъни ранги ҳамда хусусиятини йўқотади.

Антоцианлар ўсимликларнинг гули, меваси ҳамда уруғларида кўпроқ бўлади.

Илмий медицинада кверцетин ва рутин моддаларидан тайёрланадиган дори-дармонлар кўпроқ қўлланилади. Улар юрак-томир, қон кетиш, ошқозон яраси, қон босими ошиши каби хасталикларга қарши ишлатилади.

ТАНИД айрим ўсимликларнинг барги, меваси, пўстлоғи, илдизи ҳамда туганакларида тўпланади. Бу модда ўсимлик ҳужайра ширасида эриган ҳолда учрайди. У бошқа моддалар билан бириккан ёки айрим ҳолда бўлади. Ўсимлик тўқималари ўлгандан сўнг ҳужайра деворчаларига шимилади. Танид тери кўнлаш (чармлаш) саноати учун асосий хом ашё ҳисобланади.

Бу модда илмий медицинада ошқодон-ичак касалликларини олдини олувчи бактерицидли модда тариқасида ишлатилади.

АЛКАЛОИДЛАР ўсимликларнинг турли органларида тўпланадиган азот сақловчи ва ишқор хусусиятига эга жуда мураккаб органик бирикмалардан ташкил топган моддалардир. Бу моддалар ўзига хос физиологик таъсирчанлик хусусиятига эга. Алкалоидлардан морфин, папаверин, хинин, кофеин, кодеин каби турли хил дори-дармонлар ишлаб чиқарилади. Улар илмий медицинада турли хасталикларни даволашда кенг қўлланилади.

САПОНИНЛАР ўсимликларнинг барги, гули, уруғи, илдизи ҳамда туганакларида бўлади. Сапониннинг миқдори ўсимликнинг ривожланиш даврига қараб ўзгариб туради. Ўсимлик вегетациясининг охирида илдиз ҳамда туганакларида сапонин миқдори жуда юқори бўлади. Сапонинлар кўпирувчанлик хусусиятига эга бўлиб,

глюкозидлар группасига киради. Улар гидролизланганда шакарли қисми ҳамда сапогенинларга парчаланadi.

Сапонинлар таъсир кучига эга бўлиб, бурун, лаб ва кўз атрофидаги ҳужайра ҳамда тўқималарни яллиғлантиради. Улар кўзни ёшлантириб қизартиради, баъзан аллергия беради. Сапонинлар қизил қон таначалари (эритроцит)ни парчалайди, яъни гемолизлаштиради.

Медицинада сапонинлардан балғам кўчириш, сийдик ҳайдаш хусусиятларига эга дори-дармонлар тайёрланади.

ГЛЮКОЗИДЛАР ўсимликларнинг барча таначаларида, мева ва илдизларида сақланади. Улар намлик ва ферментлар таъсирида иккига парчаланadi. Натижада қандли глюкозид ва қандсиз (агликон) компонентларга бўлинади.

Глюкозидлар инсон организмга таъсир этиш хусусиятига қараб юрак-томир системасига таъсир этувчи, терлатувчи, аччиқ, сапонинли глюкозидлар ва антраглюкозидларга бўлинади.

Юрак-томир системасига таъсир этувчи глюкозидлар бошқа моддалардан фарқли ўлароқ ўз таъсирини тўғридан-тўғри юракка ўтказади. Аччиқ глюкозидлар эса ошқозон-ичак йўллариининг иш қобилиятини оширади, иштаҳани очади ҳамда овқат ҳазм бўлишини яхшилайди.

АЧЧИҚ МОДДАЛАР (азотсиз мураккаб моддалар) терпенли бирикмалардан ташкил топган бўлиб, аччиқ таъмга эга. Бу моддалар таъсирида ошқозон шираси кўплаб ишлаб чиқарилади, овқат яхши ҳазм бўла бошлайди, иштаҳа очилади. Айниқса бу хасталикка чалинган беморлар учун муҳим аҳамият касб этади.

КУМАРИНЛАР айниқса соябонгулдошларга оид ўсимлик органларида тўпланадиган биологик актив моддалардир. Бу моддалар цисорто-оксикор кислота-лардан ташкил топган.

Кумаринларнинг таъсир қуввати турлича бўлиб, медицинада энг кўп ишлатиладиганлар фурокумаринларга оиддир. Бу моддалар ультрабинафша нурларга нисбатан организмнинг сезувчанлик хусусиятини оширади, қон томирларини кенгайтиради.

Фурокумаринлар тери хасталикларини даволашда кенг қўлланиладиган препаратлар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё манбалардан ҳисобланади.

ОРГАНИК ҚИСЛОТАЛАР ўсимлик ҳужайра ширасида учрайди. Ўсимликнинг барча органларида, айниқса меваларида олма, лимон, вино, шовил, чумоли, ас-

корбин, баъзан хин ва линолен кислоталари ҳолида бўлади.

Организмда органик кислоталар модда алмашинувда актив иштирок этади. Шира ишлаб чиқарадиган безларнинг ишчанлигини оширади. Ут суюқлиги ва панкреатик ширанинг ажралишига таъсир кўрсатади.

Органик кислоталар бактерицидлик хусусиятига эга. Шу сабабли ҳам турли микробларни қириб ташлайди. Натижада инсон организмга хасталикларни юқтирмасликка яхши таъсир этади.

Органик кислоталар иштаҳани очади, овқат ҳазм бўлишини яхшилайди.

ФЕРМЕНТЛАР ўсимлик тўқималарида пайдо бўлади. Улар меваларда кўпроқ тўпланади ҳамда модда алмашинув жараёнида актив иштирок этади. Ферментлар деярли оқсил моддалардан ҳосил бўлади.

Организмда содир бўладиган кимёвий реакциялар ферментлар иштирокида ўтади. Шунингдек, ферментлар маълум моддаларнинг реакцияга киришини тезлаштиришда катализаторлик ролини ҳам ўтайди.

Ферментларга таъсир кўрсатадиган ҳарорат 40°C дан юқори бўлмаслиги лозим. Агар ҳарорат бу кўрсаткичдан юқори бўлса, ферментлардаги оқсиллар коагуляция ҳолига тушади, натижада ферментлар катализаторлик хусусиятини йўқотади.

ФИТОНЦИДЛАР ўсимлик органларида тўпланиб, микроорганизмларни қириб юбориш хусусиятига эга бўлган мураккаб тузилишдаги органик моддалардан ҳисобланади. Бу моддаларни ўсимлик антибиотиғи ёки фитонцидлари дейилади.

Фитонцидлар алкалоид, эфир мойи, антоциан кўринишларида бўлиши мумкин. Ўсимликлардан айрим фитонцидлар тоза ҳолда ажратиб олинган. Масалан, аллицин фитонциди саримсоқдан ажратиб олинган бўлиб, аллин аминокислоталаридан ташкил топган. У бактерицидлик хусусиятига эга. Фитонцидлар бактерияларни қириб ташлайди ёки ўсиши ҳамда кўпайишига имкон бермайди.

Ўсимликлардан олинган фитонцидлар медицинада антибиотиклар сифатида ишлатилади. Айниқса юқумли касалликларни даволашда қўлланилади.

КРАХМАЛ полисахаридларга мансуб бўлиб, мураккаб тузилишга эга. У организмни тетиклаштиради ҳамда қувватини оширади. Тирик организмда ундан глюкоза ҳосил бўлади. Крахмалдан илмий медицинада ошқозон-ичак ҳамда тери касалликларини даволашда

қўлланиладиган дори-дармонлар тайёрланади. Шунингдек, крахмал саноатда, уй-рўзғор ишларида кенг қўламда ишлатилади.

ПОЛИСАХАРИДЛАР ўсимликларнинг барча органларида, айниқса мева, туганак, илдиз ҳамда пиёзларида кўп бўлади. Полисахаридлар мураккаб тузилишга эга бўлиб, углеводлар йиғиндисидан ташкил топади. Улар кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган моддалардан бири ҳисобланади.

АЗОТЛИ МОДДАЛАР мураккаб бирикмалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг асосини оқсилли моддалар ҳосил қилади. Улар, ўз навбатида, аминокислоталар ҳамда амидлардан иборат. Шунингдек, оқсилсиз азотли моддалар ўз таркибида нуклеин кислотаси, аммиак тузлари, нитратлар, баъзи витамин ва глюкозидларни сақлайди.

ОҚСИЛЛАР ўсимликларнинг асосан уруғи ҳамда меваларида кўпроқ тўпланади. Улар тўйимли озиқ-овқат манбаи ҳисобланади. Оқсиллар протеолит ферменти таъсирида аминокислоталарга парчаланади, организмда модда алмашинувини тўғри йўлга қўйишда иштирок этади ҳамда унинг қувватини оширади.

✓ **ВИТАМИНЛАР** мураккаб органик бирикмалардан ҳосил бўлган бўлиб, ўсимликларнинг барча органларида бўлади.

Витаминлар ташқи муҳит таъсирига жуда чидамсиз бўлиб, тез бузилади, парчаланади ҳамда ўзининг фойдали хусусиятларини йўқотади. Масалан, С, Р, В₁, В₂, В₆, РР, Н ва пантотен витаминлар қайнаган сувда тез парчаланади ҳамда шифобахшлик хусусиятини йўқотади.

А, К, Д, Е витаминлари қайнаган сувда тез парчаланмайди ёки бузилмайди, аммо ёғларда парчаланиб хусусиятини йўқотазди.

С, А, В витаминлари кислород таъсирида бузилади, В₂ витамини эса таъсирга чидамлироқдир.

Витаминлар инсон тўқималари учун доимий ва зарур компонентлардан ҳисобланиб, модда алмашинуви жараёнида актив иштирок этади. Инсон организмни турли касалликлардан ҳимоя қилиш қобилиятини оширади. Қон томирларининг деворчаларида холестерин тўпланишига йўл қўймайди. Шунингдек, қон таркибини доимий сақлаб туришда муҳим аҳамият касб этади.

ЭФИР МОЙЛАРИ ўсимликларнинг ҳамма органларида тўпланидиган бир қанча моддаларнинг мураккаб бирикмасидан ташкил топган, генетик жиҳатдан ўзаро

узвий боғланган органик моддалар йиғиндисидир. Эфир мойларининг компонентларига углеводород, спирт, альдегид, кетон, финол, лактон, эфир, хинон, кислота, азотли бирикмалар ва бир қанча моддалар киради.

Эфир мойларининг сифати ҳамда миқдори кўп жиҳатдан ташқи шароитга, об-ҳавога, ўсимлик турларига, ўсиш жойига, ўсимлик ёшига, ривожланиш даврига ҳамда бошқа жуда кўп факторларга боғлиқ. Эфир мойлари ўсимлик органларида эркин ҳолда бўлиб, сув буғи ёрдамида ҳайдаб ёки экстракция усулида ажратиб олинади. Баъзан эфир мойлари глюкозидлар ҳамда бошқа моддалар билан бириккан ҳолда ҳам учрайди. Бу ҳолда уларни ажратиб олиш учун ферментация усулидан фойдаланилади. Эфир мойлари чидамсиз, кислород таъсирига берилувчан бўлиб, намлик ва иссиқликда тез бузилади. Айрим ўсимлик органларида ҳиди ва кимёвий таркиби билан фарқ қиладиган турли хил таркибдаги эфир мойлари учрайди.

Илмий медицинада эфир мойларидан турли хасталикларни даволашда қўлланиладиган дори-дармонлар ишлаб чиқарилади. Бу дори-дармонлар оғриқни қолдириш, асаб системасини тинчлантириш, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаш хусусиятига эга.

Эфир мойлари парфюмерия, фармацевтика ҳамда озиқ-овқат саноати тармоқлари учун асосий хом ашё манбаи бўлиб ҳисобланади.

МОЙ ҲАМДА МОЙ КИСЛОТАЛАРИ ўсимликларнинг уруғи, меваси ҳамда данакларида мужассамланган бўлиб, мураккаб тузилишга эга эфир, глицерин кислоталарининг бир асосли ёғ қаторларидан иборат.

Мой ҳамда мойсимон моддалар озиқ-овқат соҳасида ишлатилишидан ташқари оғир ва енгил машинасозлик саноатининг бошқа тармоқларида ҳам қўлланилади.

Илмий медицинада эса малҳам дори, крем ва пластир тайёрлашда, баъзан доривор моддаларни эритишда ишлатилади. Кўпинча ўсимлик мойлари қон ҳамда қон томирчалари деворидаги холестерин моддасини эритиш хусусиятига эга.

Умуман, шу нарсани қайд этиш лозимки, ўсимликларнинг шифобахш бўлиши фақатгина юқорида таърифи келтирилган моддаларгагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки бир қанча органик бирикмалар, минерал тузлар, макро ҳамда микроэлементларнинг ўзаро комплекс таъсир кучига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шифобахш ўсимликларнинг ишлатиладиган органлари ҳамда уларни тайёрлаш муддатлари

• Шифобахш ўсимликларнинг турли органлари, яъни куртаги, пўстлоғи, барги, гули, уруғи, меваси, данаги, илдизи, илдизпояси ҳамда туганакларидан турли хил касалликларни даволашда қўлланиладиган дори-дармонлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Шифобахш ўсимликларнинг қувватчанлиги улар таркибидаги биологик актив моддалар ҳамда турли мураккаб тузилишдаги бирикмаларнинг фақат миқдоригагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки кўп жиҳатдан сифатига ҳам боғлиқдир.

• Шифобахш ўсимликларнинг таъсирчанлик қуввати ҳамда юқори сифатли бўлиш даври ўсимликларнинг гуллаш ҳамда уруғлаш даврининг бошланиш вақтига тўғри келади. Ана шу пайтда ўсимликнинг ер устки массалари йиғиштирилади. Уруғ ва мевалари эса тўлиқ пишганда, илдиз, илдизпоя ҳамда туганаклари ўсиш даврининг охирида (яъни ўсимлик уйқуга кетиши олди-дан) ёки эрта баҳорда олинади.

ҚУРТАКЛАР бўртиш пайтида, эндигина ўсишга тайёргарлик кўриш олди-дан, яъни эрта баҳорда терилади. Агар куртаклар ўса бошлагандан сўнг терилса дори-дармонлик хусусиятини йўқотади. Уларни жуда эҳтиёткорлик билан териш зарур.

ПЎСТЛОҚ ўсимликнинг икки йиллик соғлом, касалланмаган шох-шаббаларидан ажратиб олинади. Энг кучли шира оқими бошланиш пайтида, яъни куртакларнинг яхши бўртиш вақтида пўстлоқ ажратиб олинади. Бу даврда пўстлоқ осонлик билан тез ажралишидан ташқари, биологик актив моддаларнинг таъсир қуввати юқори бўлган пайтга тўғри келади.

БАРГ ўсимлик қийғос гуллаган пайтда терилади. Терилаётган барг соғлом, касалланмаган, ҳашарот емаган бўлиши керак. Ўсимлик баргининг учдан бир қисми териб олиниши мумкин. Барг терилаётган вақтда қўлни юқоридан пастга қараб ҳаракат эттириш ва баргни банди билан териб олиш зарур. Терилган барглар тезлик билан қуритиладиган майдончаларга келтирилади ҳамда қуритилади. Хом ашё учун тайёрланган барглар яхши қуритилган, майдаланмаган, рангини йўқотмаган ҳамда ўзига хос ҳидини сақлаган бўлиши керак.

ГУЛЛАР ғунчалаш даврининг охири ва очилиш пайтининг бошларида терилади. Бу вақтда терилган гул-

ларнинг гултожибарглари кўп тўкилиб кетмайди, тайёрланган хом ашёнинг ранги деярли ўзгармайди, ҳиди сақланади.

Ўт ўсимликларнинг гуллари қайчи, ўткир пичоқ, ток қайчилар билан, дарахт ва буталарники эса илгакли симлар ёрдамида терилади.

Хом ашё учун терилган гуллар соғлом, касалланмаган, ҳашарот емаган, эзилмаган бўлиши керак. Терилган гуллар саватчаларда қуритиш майдончаларига келтирилади ёки хоналарда брезент устида қуритилади. Агар доимий фойдаланиладиган майдонлар бўлса, асфальтланган бўлиши зарур. Қуритилаётган хом ашёга тўғридан-тўғри қуёш нури таъсир этмаслиги керак. Акс ҳолда маҳсулот сифати бузилади, хом ашё рангини бутунлай ўзгартиради, таъсир қувватини деярли йўқотади.

Ўсимликларнинг ер устки органлари, яъни пояси, новдаси, барги ва гуллари биргаликда териладиган бўлса, уларни териш муддати гуллаш пайтига тўғри келади.

Ўсимликларнинг ер устки органларини йиғиштириб олишда ўткир пичоқ, ток қайчи ҳамда ўроқлардан фойдаланилади. Кўп йиллик ўтлар ва чала буталарни тагидан эмас, асосидан 7—8 см баландроқдан ўриш керак.

Қуритишга тайёрланган хом ашё соя жойларда, махсус майдончаларда, хоналарда ва айвонларда қуритилади. Уларни ёйиб, кун давомида 2—3 мартаба ағдариб туриш лозим. Хоналарнинг эшиги ва ойналари очилиб, шамоллатиб турилиши лозим.

Хом ашёнинг етарли қуриганини билиш учун унинг пояси эгиб кўрилади, агар пояси синса, барглари бармоқлар орасига олиб ишқалаганда майдаланиб кетса, унда етарли қуриган ҳисобланади. Қуритилган ўсимлик хом ашёларини бир жойда тўплаб, уларни синиб ва майдаланиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Тайёр бўлган хом ашё оч-яшил рангли, ўзига хос ҳидли бўлиши, намлиги 12—13 процентдан ошмаслиги керак.

МЕВА ВА УРУҒЛАР пишиб етилишига қараб бир неча бор терилади. Баъзи ўсимлик уруғлари пишиши билан дарҳол тўкилиб кетади, натижада ҳосилдорлик камаяди. Бунинг олдини олиш учун шу тоифадаги ўсимлик уруғларини тўлиқ етилмаган пайтда, яъни қўнғир тусга кириши билан тера бошлаш лозим.

Тўпгулли ўсимликларнинг уруғлари тўпгули билан бирга йиғиштирилиб, кичик-кичик боғ қилиб боғланади, сўнг уларни соя жойларда ёки махсус майдончаларда

қуритилади. Қуритилган боғлар янчилади ва уруғлар тозалаб олинади.

Серширали мевалар фақат яхши пишганда, ҳаво очиқ бўлган пайтларда эрталабки ҳамда кечки соатларда терилади. Ҳаво жуда исиб кетганда терилмайди. Терилган серширали мевалар иссиқ кунда тез бузилади. Уларни терганда эҳтиётлаб, эзилишига йўл қўймаслик керак. Мевалар саватчаларга терилади. Ҳар 5 см оралиқда ўсимлик барги ёки барра новдачалар қўйилиб, устидан яна қайтадан мевалар терилади. Мева ва уруғлар терилганда бошқа бегона ўтларнинг мева ва уруғлари аралашмаслиги, ўсимлик қолдиқлари, касалланган мевалар ажратиб олинishi лозим.

ИЛДИЗ, ИЛДИЗПОЯ ВА ТУГАНАКЛАР ўсимлик уруғи ва мевалари тўлиқ пишиб етилганидан кейин, ўсиш даврининг охирида, яъни қишки уйқуга кетиш пайтида тайёрланади. Баъзан эрта баҳорда ўсимлик вегетацияси бошланишидан олдин қазиб олинади.

Илдиз, илдизпоя ва туганакларни қазиб олишда ўткир теша, кетмон ва белкураклардан фойдаланилади.

Ўсимликнинг ер устки органлари бутунлай синиб ёки йўқолиб кетмасдан олдиноқ қазини ишларини бажариш керак.

Қазиб олинган илдиз, илдизпоя ва туганаклар тупроқдан ажратиб олинади ҳамда саватчаларга солиниб, оқар сувда ювилади. Суви селгигандан кейин эса махсус майдончаларга келтирилиб, сараланади. Бунда, албатта, чириган, қурт еган илдизчалар ҳамда бошқа ўсимликларнинг турли қолдиқлари олиб ташланади ва махсус қуритиш майдончаларида қуритилади. Шунини қайд этиш лозимки, гуллаб турган ўсимликларнинг ер остки органларини қазиб олиш қатъиян ман этилади.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, шифобахш ўсимликларни белгиланган муддатда териб олмаслик, хом ашё тайёрлаш ва қуритиш қондаларига риоя қилмаслик тайёрланган хом ашё сифатининг пасайишига, уларнинг таркибидаги биологик актив моддаларнинг миқдори ва сифатининг ўзгаришига салбий таъсир этади. Улардан тайёрланган дори-дармонлар етарли таъсирчанлик қувватига эга бўлмайди.

Шифобахш ўсимлик бойликларини қайта тиклаш ва муҳофиза этиш йўллари

✧ Ўсимлик хом ашёларидан тайёрланаётган дори-дармонларга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Дарҳақиқат шундай экан, бу талабни тўла-тўкис қондириш учун ўсимлик бойликларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга, улардан кўпроқ дори-дармонлар тайёрлашга жиддий эътибор бермоқ даркор.

Шифобахш ўсимлик бойликларидан тўғри ва оқилона фойдаланмаслик, уларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олмаслик, йиғим-теримни белгиланган муддатда ўтказмаслик ўсимлик турларининг йўқолиб кетишига ҳамда бойликларининг қайта тикланишига катта иқтисодий ва социал зарар келтиради. Шу сабабли шифобахш ўсимлик хом ашёларини тайёрлашда илмий асосда ишлаб чиқилган тадбир ва қоидаларга тўлиқ амал этиш зарур.

Ўсимлик хом ашёларини тайёрлашда фақат унинг миқдорига ҳамда белгиланган планни ортиғи билан бажаришга эътибор берибгина қолмасдан, балки сифатига ҳам талабчанликни ошириш лозим. Бунинг учун ўсимлик хом ашёларини тайёрловчи ташкилот ходимлари ҳамда мутахассислар ўсимликларнинг морфологик ва биологик хусусиятлари билан тўлиқ таниш бўлиши, уларни ўсиш ва тарқалиш районлари, териш муддати ҳамда даврлари, маҳсулотни тайёрлаш қондаси ва қуритиш усуллари, кимёвий таркиби ва ишлатилиши тўғрисидаги маълумотларга тўла эга бўлишлари, шунингдек, улар ўсимлик турларини бяр-биридан тўлиқ фарқлай олишлари зарур. Чунки бир туркумга мансуб турлар бяр-бирига жуда ўхшаш бўлса-да, шифобахшлиги жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Агар шифобахш ўсимликлар эътиборсизлик билан тайёрланса, унинг оқибати кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқариши мумкин.

Шифобахш ўсимлик бойликларини қайта тиклаш ва муҳофаза этиш учун қуйидаги шартларни бажариш зарур:

— ўсимликларнинг барча белги ҳамда хусусиятларини яхши англаш;

— ўсимликларни синдириб, илдиз ёки илдизпоясига ҳамда туганаклари билан суғуриб олмаслик;

— ўсимликларни илдизи ёки пиёзлари тайёрланаётган бўлса, уларнинг ҳаммасини қазиб олмасдан, балки оралатиб йиғиштириш;

— уруғни сут даврида, меваси пишмасдан йиғиштирмаслик;

— етишган уруғ ҳамда меваларни охирига қадар қолдирмасдан териб олмаслик;

— гуллаб турган ёки уруғлаган ўсимликларни ялли йиғиштирмаслик;

— йиғим-терим ўтказиладиган майдонларни ҳар икки-беш йилда алмаштириб туриш;

— касалланган ҳамда зарарланган ўсимлик турларини термаслик, уларга қарши тадбирий чоралар кўриш;

— ноёб ўсимлик бойликларини сақлаш мақсадида заказниклар ташкил этиш, шу жойларда чорва молларини боқмаслик ҳамда ем-хашакни ўриб олмаслик ва ҳоказо.

Ана шу тадбир ҳамда қоидаларга амал қилиш зарур. Акс ҳолда ўсимлик бойликлари йил сайин камайиб кетаверади. •

Шифобахш ўсимликлар ҳамда уларнинг ишлатилиши

АНДИЗ (қораандиз, инула хелениум) мураккабгулдошларга мансуб, баландлиги 175 см келадиган тик пояли кўп йиллик ўт. Пояси жўякчали ҳамда тукчалар билан қопланган, барглари эса йирик.

Қораандиз июнь-июль ойларида гуллайди, уруғи июль-августда пишади. У тоғ зонасининг ўрта қисмигача бўлган ёнбағирликларида, дарахт ва буталар орасида учрайди, айрим майдончаларда эса қораандиззорларни ҳосил этади.

АНДИЗ (сариқандиз, инула грандис) мураккабгулдошларга мансуб, баландлиги 150 см келадиган кўп йиллик ўт. Пояси тик, юқори томони шохланган, уларнинг учида эса тўпгуллари ўрнашган. Илдиз олди баргларнинг узунлиги 70 см, эни 30 см. Поя ҳамда шохларда ўрнашган баргларнинг усти тукчали, чети тишчалидир. Сариқандизнинг барча аъзолари тукчалар билан қопланган. Гултожи сариқ, тўпгули саватча шаклида. Уруғи эса ясси.

У май-июль ойларида гуллайди, меваси июль-августларда етишади (1-рasm). Қораандиз ҳамда сариқандиз республикамизнинг кўпгина тоғли районларида, айниқса, Бўстонлиқ, Паркент, Ангрен, Зомин, Бахмал, Жиззах, Фориш, Нурота, Ургут, Китоб, Яккабоғ, Деҳқонобод, Қамаш, Шаҳрисабз, Бойсун ва Узун районларининг территорияларида кенг тарқалган.

Андиззорларнинг ҳар гектаридан 500—1000 кг гача андиз илдизи илдизпояларини йиғиштириб олиш мумкин.

Хом ашё учун тайёрланган андизларнинг илдизи ва илдизпоялари ўсимлик уруғлагунга қадар ёки куз пай-

тида йиғиштириб олингани мақсадга мувофиқ. Унинг табиий маҳсулдорлигига зарар келтирмаслик учун уруғлик тупларини қолдириш ва йиғиштириладиган майдонларни навбатлаштириб туриш лозим.



1-расм. Сариқандиз.

Андизлардан медицинада жуда қадим даврлардан буён турли мақсадларда фойдаланиб келинган. Халқ

табобатида андизларнинг илдизпоя ва илдизидан тайёрланган порошок, шарбат, дамлама, қайнатмалардан балғам кўчиришда, сийдик ҳайдашда, ҳароратни туширишда, шунингдек, қичима, экзема, бавосил, сил, қанд касаллигини даволашда фойдаланилмоқда. Қораандиз илдизидан тайёрланган дори-дармонлар ошқозон ва йўғон ичак жароҳатларини даволашда қўл келмоқда.

Қанд аралаштириб пиширилган илдиз ва илдизпоялар чет мамлакатлардан олинаётган имбирь хом ашёсининг ўрнини боса олади. Андизларнинг илдизидан техник спирт олса ҳам бўлади.

Республикамизда андизлардан олинган хом ашё ёрдамида хушбўй, шифобахш ичимликлар тайёрланмоқда.

Қораандиз илдизи ва илдизпояси таркибида органик моддалар, минерал тузлар, витамин С, 44 процент инулин, псевдоинулин, оз миқдорда алкалоид, 6 процент ошловчи моддалар, органик кислоталар ҳамда 0,3—1,7 процент эфир мойи бор. Эфир мойининг асосини галенин, лактонлардан алантолактон, изоалантолактон ҳамда алантокислоталар ташкил этади. Баргида аччиқ моддалардан алантоцикрин бўлиб, у ўзининг таъсирчанлиги жиҳатидан пикротоксин ва цикутотоксин моддаларидан қолишмайди.


Андизларни маданий ўсимликларга айлантириш, экин сифатида экиб ўстириш мумкин. Улар уруғидан тез кўпаяди.

АРСЛОНҚУЛОҚ (леонурус туркестаникус) лабгулдошларга мансуб, бўйи 150 см келадиган кўп йиллик ўт. Пояси юқори қисмидан шохчаланган, барги бандли, кенг тухумсимон, думалоқ, панжасимон бўлинган, уларнинг ҳар бири патсимон бўлакчалардан иборат.

Гуллари шохчаларида ҳалқасимон жойлашган. Ён баргчалари бигизсимон, бир оз қайрилган, Гултожи 12—13 мм узунликда бўлиб, оч-қизил ёки тўқ-пушти рангдадир.

Арслонқулоқ май-июнь ойларида гуллаб, уруғи июль-августда пишади. У тоғ зонасининг ёнбағирларида, айниқса ариқ ва булоқлар бўйида, дарахт ва буталар тагида учрайди.

Арслонқулоқдан тайёрланган дамлама ҳамда қайнатмадан ошқозон ва юрак касалликларини даволашда фойдаланиш мумкин. Бу ўсимликдан тайёрланган дори-дармонлар асаб касалликларини тинчлантирувчи, юқори қон босимини камайтирувчи хусусиятларга эга. Ўсимлик таркибида леонурин, 5—8 процент ошловчи моддалар, оз миқдорда сапонин, алкалоид ва эфир



мойи, глюкозид, бўёқ моддалари ва минерал туз бор.

Арслонқулоқ уруғидан кўпаяди. Унинг табиий бойликларидан унумли фойдаланиш мумкин.

АФСОНАК (термопсис алтернифлора) дуккакдошлар оиласига мансуб, баландлиги 50—70 см келадиган тик пояли, шох-шаббачали ҳамда сийрак тукчаларга эга бўлган кўп йиллик ўтдир.

Барги уч бўлакли, бандли, наштарсимон. Баргчалари узунчоқ эллипсимон, узунлиги 2—6, эни 0,5—2,5 см, устки томони туксиз, пастки қисми сертукли. Гуллари йирик, сариқ рангли, тўпгуллари шингилсимон бўлиб, поя ва новдачаларнинг учига ўрнашган. Уруғи майда, силлиқ, оч-қўнғир ёки яшилсимондир.

Бу ўсимлик май-июнь ойларида гуллайди, меваси июнь-июлда тўлиқ пишади. У майин тупроқли ҳамда шағал тошчали тоғ ёнбағирларида, дарё соҳилларида, булоқ атрофларида, умуман тоғ зонасининг пастки ва ўрта қисмларида учрайди.

Афсонак қимматбаҳо шифобахш ўсимлик. Ундан тайёрланган галенли препаратлар нафас олиш органларининг фаолиятини яхшилайти, шунингдек, бош оғриқ касалликларини даволашда қўл келади. Бу ўсимликнинг таркибида алкалоид термопсин, гомотермопсин, эфир мойлари, аскорбин кислотаси, сапонин ва бўёқ моддалари бор.

Бу ўсимлик хом ашёсига талаб кучли. Унингчи беш йилликда 250, ўн биринчи беш йилликда 260 тонна маҳсулот тайёрланди. Бу кўрсаткич ўн иккинчи беш йилликда яна ҳам ошиши мўлжалланган.

БОЗУЛБАНГ (лагохилус инбернанс) бўйи 20—60 см келадиган кўп йиллик ўт бўлиб, лабгулдошлар оиласига мансуб. Пояси асосидан ёғочланган, тик, шохланган, дағал тукчалар билан қопланган. Улар тушиб кетганидан сўнг ўрнини оқ ялтироқ пўстлоқ эгаллайди. Барги бандли, тухумсимон, асоси понасимон бўлакли, барг чети бутун ёки қирқилган, сертуклидир. Гуллари ўтроқ, юқори барг қўлтиқларида 4—6 тадан ўрнашган. Ён баргчалари уч қиррали, бигизсимон, тиканли, туклар билан қопланган. Гултожи 2,0—2,8 см узунликда, оқ ёки пушти, томирчалари эса жигаррангдир. Ёнғоқчалари туксиз, 4—5 мм катталиқда.

Бозулбанг июнь-июль ойларида гуллайди, уруғи июль-сентябрда етишади. Бу ўсимлик Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг адирларида ҳамда тоғ этакларидаги майда шағал тошли жойларда тарқалган. Ҳозирги пайтда унинг табиий

бойликлари, асосан, Нурота тоғ этакларида мавжуд.

Бозулбанг халқ табобатида жуда қадрланади. Ундан тайёрланган қайнатма ҳамда дамлама қон кетиш касаллигини даволашда кенг қўлланилади.

Илмий медицинада ундан тайёрланган настойка, экстракт, дамлама ҳамда «Лагохилен» препарати турли хил қон кетиш касалликларини даволашда ишлатилади. Бу препаратлар таъсирида қоннинг коагуляцияланиши (қуюқлашуви) тезлашади, натижада қон кетишнинг олди олинади. Шунингдек, бу ўсимликдан тайёрланган препаратлардан қон босимини камайтиришда, геморой, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яллиғланишларини, тери касалликлари аллергиясини даволашда фойдаланиш мумкин. Бозулбангнинг ўта шифобахшлиги унинг таркибида биологик актив моддаларнинг кўплигидандир.

Бу ўсимлик таркибида лагохилин, 4—7 процент танид, флавоноли глюкозид, қанд моддалари, эфир мойи, органик кислоталар, каротин, аскорбин кислотаси, темир ҳамда кальций тузлари бор.

Бозулбангнинг табиий бойликлари ҳамда унинг хом ашёси сўнгги йиллар мобайнида жуда ҳам камайиб кетди. Ўсимликнинг бу тури йўқолиб кетиш хавфи остида қолди. Бозулбанг хом ашёлари тайёрланганда унинг биологияси ҳисобга олинмади, маълум ишлаб чиқарилган тадбирий чоралар асосида иш олиб борилмади, тайёрланадиган майдонлар алмаштирилиб турилмади. Шу сабабли ўсимликни муҳофаза этиш ва унинг қолган бойликларидан оқилона фойдаланиш мақсадида бозулбанг ўсимлиги Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилди. Шунини ҳам айтиш зарурки, бозулбанг уруғидан яхши униб чиқади. Уни адир зоналарда кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

✶**БҮЙИМОДОРОН** (ахиллеа миллефолиум) мураккабгулдошлар оиласига мансуб, пояси тик, бўйи 80 см келадиган кўп йиллик ўт.

Барги патсимон, қирқилган, яшил рангли, устки томони, айниқса томирчаларининг усти сертук. Поянинг учки қисмидаги тўпгуллари саватча шаклида жойлашган. Уруғи майда, юмалоқ, тўқ-жигарранг ёки қўнғир тусдадир.

Бўйимодорон июнь-август ойларида гуллайди, уруғи июль-сентябрда тўлиқ етишади. Бу ўсимлик деярли республикамизнинг барча тоғли районлари территорияларида тарқалган. У йўл атрофларида, боғларда, дарахт ва бутазорлар орасида, сойларда, дарё соҳилла-

рида ҳамда майда шағалли қияликларда учрайди. Умуман бу ўсимлик адир зонасидан то яйлов зоналаригача бўлган майдонларда ўсади, баъзан яхлит бўйимодоронзорларни ҳосил қилади.

Халқ табобатида унинг ер устки қисмидан тайёрланган қиём ёки шарбат ошқозон-ичак хасталиклари, бош оғриқ, зотилжам касалликлари ва қон кетишларни даволашда қўлланилади.

Илмий медицинада бўйимодорондан тайёрланган галенли препаратлардан ошқозон-ичак йўллари хасталиklarини даволашда кенг фойдаланилади. Қон кетишни тўхтатувчи восита ўрнида ишлатилади. Бавосилга қарши қўлланилади.

Бўйимодорон ўсимлигининг таркибида 0,65 процент эфир мойи, алкалоид ахиллеин, ошловчи ҳамда аччиқ моддалар, глюкозид, бўёқ ва органик кислоталар, минерал тузлар, каротин ҳамда С, К витаминлари бор.

ЎГАЗАНДАЎТ (ўртика диоика) бўйи 125 см келадиган газандаўтдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Барги тухумсимон шаклда бўлиб, четлари тишсимон қирқилган.

Газандаўт қичитувчи тукчалар билан қопланган. Бу ўсимлик республикамизнинг тоғли районларида, айниқса ариқ бўйларида, булоқ атрофларида, дарё қирғоқларида, дарахтлар тагида, айрим ҳолларда боғларда ҳам учрайди. Газандаўт май-июнь ойларида гуллайди, уруғи июль-августларда етишади. Газандаўтзорларнинг ҳар гектаридан 30—180 кг хом ашё бўладиган юқори сифатли барглари олиш мумкин.

Газандаўт барглари С, В, К витаминларини, каротин, каротиноидларни, чумоли, аскорбин, пантотен кислоталарини, бўёқ, ошлов ҳамда оқсилли моддаларни, глюкозид уртицин, ситостерин ва минерал тузларни ўз таркибида сақлайди.

Газандаўтнинг шифобахшлик хусусиятини халқларимиз жуда қадимдан яхши билганлар. Ундан қонни тўхтатувчи восита сифатида фойдаланганлар.

Илмий медицинада эса бу ўт баргидан тайёрланган дори-дармонлар қонни ивитиш, бачадонни қисқартириш, қон томирларини торайтириш хусусиятига эгадир.

Чехословакия фармацевтика саноатида газандаўтдан турли галенли препаратлар тайёрланади. Болгария халқ медицинасида эса газандаўтдан ошқозон, диабет, жигар, бурундан қон кетиш ва зотилжам касаллиklarини даволашда фойдаланилади. Шунингдек, бу ўсимликдан

кўп миқдорда хлорофилл олиш ва уни озиқ-овқат ҳамда парфюмерия саноатида қўллаш мумкин.

Газандаўт барглари доривор хом ашё манбаи ҳисобланади. Ўсимлик барглари гуллаш пайтида териб олинади ҳамда соя жойда очиқ ҳавода қуритилади. Қуритилган барглари эса қичитиш хусусиятини йўқотади.

ГУЛИЗАРДАК, САРИҚГУЛ (адонис туркестаника) бўйи 80 см келадиган кўп йиллик ўт бўлиб, айиқтовондошларга мансуб. Пояси тик, ариқчали, жингалак тукчали. Илдизолди барглари яхши ривожланмаган, қўнғир рангли, тангача кўринишидадир. Поя барглари йирик, патсимон қирқилган, учи ўткирлашган, остки томони эса сийрак тукчалар билан қопланган. Гултожибарги сариқ бўлиб, катталиги 20—25, эни 6—10 мм дир. Бу ўсимлик июнь-июль ойларида гуллайди, уруғи август-сентябрда пишади.

Гулизардак республикамизнинг тоғли районларида, айниқса Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг тоғ зонасидан то яйлов зоналаригача бўлган майдонларда ўсади.

Гулизардакнинг шифобахшлик хусусияти қадимдан маълум. Унинг шарбатидан халқ табобатида нафас сиқилиши хасталикларини даволашда фойдаланадилар.

Бу ўсимлик таркибида адонизид глюкозиди, флавоид, адонивернит, сапонин, аскорбин кислотаси, микроэлементлар ва турли хил физиологик актив моддалар бор.

Гулизардак ўсимлигидан фойдаланишга ҳанузга қадар етарли эътибор берилмаётир.

ДУЛАНА (кратаегус понтика) баландлиги 10 метрга етадиган раъногулдошларга мансуб манзарали ўсимликдир. Барги кўк-яшил, устки ва остки томони тукли, йирик барглари эса туксиздир. Баргининг бўйи ва эни деярли бир хил катталиқда, барг банди япроқдан 3—6 маротаба кичикроқ, ромб ёки тескари тухумсимон, асоси кенг понасимон, 5—7 бўлакчалидир. Тўпгули зич, диаметри 3—5 см, тукчалари чалкашган бўлади. Косачабарги уч қиррали. Гултожининг диаметри 2 см, меваси йирик бўлиб, диаметри 3 см гача боради. Ранги сариқ ёки тўқсариқ бўлиб, учи ва мевасининг банд томони бир оз ялпайган, 2—3 данакчали бўлиб, ён томони силлиқдир.

Дўлана июнда гуллайди, меваси сентябрда пишади. У тошли, қуруқ жойларда, баъзан майда шағалли дарё ўзанлари ва қирғоқларида учрайди. Дўлана якка-якка,

баъзан тўп-тўп, айрим ҳолларда унча катта бўлмаган дўланазорларни ҳосил қилади. Унинг яхши ривожланган ҳар тупидан 5—12 кг гача дўлана териб олиш мумкин.

Дўлана мевасидан юқори сифатли, витаминга бой, шифобахш спиртсиз ичимликлар тайёрлашда, шунингдек, пюре, повидло, конфетлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

Халқ табобатида дўлана мевасидан ичбуруғ касаллигини даволашда кенг фойдаланилади. Шунингдек, дўлананинг баъзи турларидан огрикни пасайтирадиган, юракнинг иш фаолиятини яхшилайдиган, хаёлларишонликни ҳамда қон босимини даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар тайёрланади.

Дўлана данагида 10 процент ёғ, оқсил, мевасида 20 процентгача қанд, ошловчи моддалар, холин, ацетихолин, фруктоза, фитостерин, олеан, урсол, кратег тритерпен кислоталари, кварцитен моддаси, олма кислотаси бор. Витаминлардан В₁, В₂, РР, С, Е ҳамда каротин мавжуд.

Бу ўсимликнинг гули гуллаш даврининг бошланишида, яъни ғунчалари бутунлай очилиб кетмасдан териб олиниши керак. Гул териш мавсумини 3—4 кун давом эттириш мумкин. Меваси эса пишган пайтда йиғиштириб олиниб, очиқ ҳавода қуритилади.

Бизда дўланазорларнинг табиий бойликлари етарли, улардан унумли ва оқилона фойдаланиш зарур.

ЕРҚУНОҚ (полигонум нитенс) торандошлар оиласига мансуб, баландлиги 65 см келадиган кўп йиллик ўт. Унинг пояси тик, илдизпоясининг йўғонлиги эса 1—2 см, қорамтир кулранг, қийшиқ, баъзан чувалчангсимон кўринишга эга. Илдиз бўғзида эса эски баргларининг қолдиғи кўпроқ бўлади. Илдизолди барглари кўп, қисқа бандли, узунлиги 8—12, эни 2—3 см бўлиб, тухумсимон кўринишга эга. Поянинг асосидаги барглари қисқа бандли, юқоридаги барглари эса бандсиз, пояни ўраб туради. Гуллари оч-қизғиш бўлиб, асосигача қирқилган. Меваси ёнғоқча шаклида. У июль ойида гуллайди, меваси эса июль-августда тўлиқ етишади.

Ерқуноқ субальп ўтлоқлардаги майдонларда, арчазорларда кенг тарқалган. Уни чорва моллари деярли емайди. Шу сабабли бу ўсимлик ўз ареалини секин-аста кенгайтириб бормоқда. Ерқуноқзорларнинг ҳар гектаридан 25—110 кг илдиз ҳамда илдизпоялар териб олса бўлади.

Ерқуноқнинг илдизпоясини август-сентябрь ойлари-

да кавлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Ўсимлик айни шу пайтда турли хил биологик актив моддаларга бой бўлади.

Ерқуноқнинг илдизпояси таркибида 21 процент ошловчи моддалар, галлотанин, галло ва аскорбин кислотаси, крахмал, оқсил, қанд, бўёқ моддалари бор.

Халқ табobatiда ўсимлик илдизпоясидан тайёрланган қайнатма, дамламадан ичбуруғ касаллиги, шунингдек яраларни даволашда кенг фойдаланилади. Бу доридармон оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватлари яллиғланганда, тиш милклари шикастланганда ҳам ишлатилади.

ЕВВОЙИ САБЗИ (даукус карота) соябонгулдошлар оиласидан бўлиб, баландлиги 150 см келадиган ўт. Унинг пояси юмалоқ, силлиқ, чизиқчали, ўрта қисмидан бошлаб шох-шаббачаланган. Барги чўзиқ, тухумсимон, икки бўлакчали, патсимон, чети қирқилган ёки тишсимон бўлади. Унинг устки томони туксиз, остки томони эса туклидир. Пастки барглари бандли, юқоридаги барглари эса бандсиз бўлиб, поя ва шохчаларда ўрнашган. Тўпгули соябон шаклида бўлиб, шингилларга бўлиниб кетади.

Еввойи сабзи май-июнь ойларида гуллайди, уруғи июль-августда етишади. Бу ўсимлик ариқ бўйларида, дарё соҳилларида, адирларда, суғориладиган майдонларда, боғларда кўпроқ учрайди.

Еввойи сабзининг уруғи шифобахшлик хусусиятига эга. Унинг уруғидан турли мамлакатларда ҳар хил мақсадларда фойдаланиб келинмоқда. Масалан, Мисрда буйракдаги тошларни туширувчи, Европа ҳамда Осиё мамлакатларида эса ҳайз кўришни қўзғатувчи дори сифатида ишлатилади. Бизда унинг уруғи гижжага қарши ва сурги сифатида қўлланилади, сийдик ҳайдашда ишлатилади.

Еввойи сабзи уруғи ёқимли ҳидга эга. Ундан зирavor ўрнида фойдаланса ҳам, ҳар хил консервалар тайёрлашда, бодринг, карам, тарвуз, олма тузлашда ишлатса ҳам бўлади.

Еввойи сабзи уруғи таркибида ёғ, протеин, эфир мойи, каротин, А провитамини, В₁, В₂, К ва С витаминлари бўлади.

✓ ЖАҒ-ЖАҒ (капселла бруза — пасторис) бутгулдошларга мансуб, бўйи 10, баъзан 70 см келадиган бир йиллик ўт. Пояси битта, айрим ҳолларда кўп пояси новдачаланган ҳамда тукчалар билан қопланган бўлади. Илдизолди барглари тупбарглр кўринишига эга.

У апрель-май ойларида гуллайди, уруғи июль ойида тўлиқ етишади.

Жағ-жағ ўсиш шароити ва тарқалиш майдонларига қараб жуда ўзгарувчандир. Бу ўсимлик бегона ўт тарикасида боғларда, экин майдонларида, ташландиқ жойларда, йўл атрофларида кенг тарқалган. Жағ-жағ-зорларнинг ҳар гектаридан 15—35 кг хом ашё терса бўлади.

Жағ-жағ витаминларга бой, шифобахш ўсимликдир. Бу ўсимликдан жуда қадим замонлардан бошлаб кўксомса, чучвара тайёрлашда фойдаланиб келинади. Халқ табобатида жағ-жағнинг шарбати, қайнатма ва дамла-маси ошқозон, жигар, буйрак ҳамда ичбуруғ касалликларини даволашда қўлланилади.

Илмий медицинада жағ-жағдан тайёрланган доридармон ҳамда экстрактлар буйрак, ўпка касалликларини даволашда, айниқса қон кетишини олдини олишда катта самара беради.

Жағ-жағ таркибида рамкоглюкозид, гисопик, танид, капсин, холин, ацетилхолин, тирамин, ипозит, диосмин, смола, фумарол, сапонин моддалари, олма, лимон ва вино кислоталари, минерал тузлар, В₂, К, С витаминлари ҳамда А провитамини, шунингдек, оз миқдорда эфир мойи, темир, хром, марганец, мис, титан, алюмин, фосфор ва кальций бор.

Жағ-жағ ўсимлик хом ашёсини тайёрлаш учун, уни гуллаган пайтида бутун ер устки органларини ҳамда илдизолди баргларини биргаликда териб олиш лозим. Терилган хом ашё соя жойда, очиқ ҳавода қуритилади.

Сўнгги йилларда жағ-жағ ўсадиган майдонлар кескин камайиб бормоқда, чунки янги-янги ерлар ўзлаштирилмоқда ҳамда қишлоқ хўжаликларига топширилмоқда. Ўсимлик табиий бойликлари йўқолиб кетмаслиги учун уни кўпайтиришнинг тадбири чораларини ишлаб чиқиш лозим. Жағ-жағ уруғидан кўпаяди. Бу ўсимликни бир мавсумда тўрт мартаба ўстириш мумкин.

ЖИЙДА (елаеагнус ориенталис) жийдадошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 3—5 м келади. Барглари ланцетсимон, чўзинчоқ, узунлиги 5 см, эни 0,7—2,0 см. Барглари кумушсимон ялтироқ, майда ғуборлар билан қопланган. Гуллари майда, тўпгуллар ҳосил қилади, шода шаклидадир. Жуда ҳам ёқимли хушбўй ҳидга эга. Меваси майдароқ, узунлиги 1—2 см. У кам эт, усти қизғиш-сарик тусда. Жийда май ойида гуллаб, меваси август-сентябрь ойларида тўлиқ пишади. Бу ўсимлик

дарё соҳилларида, ариқ бўйларида, тўқайзорларда кўпроқ учрайди.

Жийда меваси жуда ҳам тўйимли ҳисобланиб, унинг таркибида 60 процент қанд моддаси ҳамда жуда кўп миқдорда крахмал, шунингдек, ошловчи ва бўёқ моддалар ҳамда органик кислоталар бор. Жийда мевасидан турли хил ичимликлар, айниқса кисель, мураббо ва компотлар тайёрласа бўлади.

Халқ табobatiда жийда меваси жуда қадрланади. Ундан тайёрланган қайнатмадан ич кетиш касаллигини даволашда кенг фойдаланилади. Унинг мевасидан тайёрланган пшатин преларат илмий медицинада ич кетиш ва оғиз бўшлиғи яллиғланиши хасталикларини даволашда қўлланилади.

Сўнги йилларда жийдазорлар камайиб кетмоқда, унинг бойликларига зарар келтирилмоқда. Бунга қатъиян йўл қўймаслик зарур. Уни кўпайтириш эса мақсадга мувофиқдир.

ЗАРАФШОН ПИЁЗИ (аллиум заравшаникум) бўйи 20—50 см келадиган пиёзбошли кўп йиллик ўт. Пиёзи юмалоқ, барги наштарсимон. Гуллари шарсимон соябонга ўрнашган. Гулқўрғоннинг баргчалари юлдузсимон, 6—7 мм, тўқ-бинафша рангли. Тугунчаси силлиқ, қисқа бандли. Кўсакчалари деярли юмалоқ, эни 3—4 мм.

Зарафшон пиёзи май ойида гуллайди, уруғи июнь-июль ойларида тўлиқ етишади. У Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё областларининг тоғли районларидаги тоғ ёнбағирларида, соя жойларда, соз тупроқли майдонларда ўсади ва ўзидан ёқимсиз ҳид чиқаради.

ЗИРА (буннум персикум) бўйи 40—100 см келадиган, илдизтуганакли кўп йиллик ўсимлик бўлиб, соябонгулдошлар вакилларида ҳисобланади. Пояси тўғри, иккинчи ярмидан шох-шаббачаларга бўлинган, ариқчали, туксиз, оч-яшил рангли. Илдизолди барглари жуфт патсимон қирқма, тухумсимон, асоси понасимон. Пояда жойлашган барглари нов бандли. Тўпгули ҳар томонга қараб таралган. Соябончаларида 20—30 тадан гуллари бўлиб, гулбандлари ҳар хил узунликда. Уруғлари чизиқчали. Уруғ кўндаланг кесимга қараб беш қиррали ипсимон қобирғачалидир. Смолали каналчалари қобирғачалари орасида биттадан жойлашган. Уруғи ички томонга бир оз эгилган.

Зира ўсимлиги май-июнь ойларида гуллаб, уруғи июнь-июль ойларида тўлиқ пишади. У тоғ ёнбағирлик-

ларида, соз тупроқли ерларда кўп тарқалган. Туркистон, Зарафшон, Омонқўтон ва Ҳисор тоғларининг жануби-ғарбий қисмидаги майдонларда саноат аҳамиятига эга бўлган зиразорлар мавжуддир.

Зиранинг зираворлик ва шифобахшлик хусусияти қадимдан маълум.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино зира уруғидан дори-дармонлар тайёрлаб, улар ёрдамида ошқозон, ичак, жигар ва сийдик йўллари касалликларини даволашда фойдаланган.

Халқ табобатида зира уруғи сийдик ҳайдовчи восита тариқасида ишлатилади, талқонидан тайёрланган суртки (мазь) дори билан яралар даволанади. Зира уруғи таркибида органик кислоталар, ёғ моддалари, эфир мойлари (1,5—3 процент), оқсил моддалар ва витаминлар бор.

Зира уруғидан зиравор сифатида турли хил овқатлар тайёрлашда, гўшти, мевали консервалар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Сўнги йилларда зира уруғига талаб ошиб бормоқда. Уни тайёрлаш ва керакли саноат тармоқларига етказиб бериш билан республика ўрмон хўжалик министрилигининг доривор ўсимликларни тайёрлаш бошқармаси шуғулланади.

Зира уруғини тайёрлаш ишларида Яккабоғ, Қамаш, Деҳқонобод, Бойсун, Зомин ўрмон хўжаликлари ходимлари фаол иштирок этмоқдалар. Республикамизда ўн иккинчи беш йилликда давлатга 8 тоннадан ортиқ зира уруғи етказиб бериш планлаштирилган.

Аммо шуни қайд этиш лозимки, айрим шахслар ўз манфаатлари йўлида, меҳнатсиз даромад орқасидан қувиб зиразорларни пайҳон этиб, уруғларини пишиб етмасданоқ пояси билан юлиб, илдиз туганакчаларини жароҳатлантирмоқдалар. Натижада зиразорларга тўфон келтирмоқдалар, ҳосилдорликнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам республика ўрмон хўжалиги ходимлари бу қимматли хом ашё ўсимлигини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни йўлга қўйишлари, назоратни янада кучайтиришлари шарт. Бу шу куннинг талабидир.

ЗИРК, ҚОРАҚАНД (берберис облонга) зиркдошларга мансуб, баландлиги 4 метрга етадиган бута. Бу ўсимлик серновдали, тиканли. Бир тупида пояларнинг сони 7—15 тадан 30—50 тагача бўлади. Поянинг диаметри 7—8 см. Унинг барра новдалари тўқ-қизил, қизғиш, қўнғир рангли, кейинроқ эса кулранг тус олади.

Тиканлари оддий ёки уч шуълали, юлдузчасимон, ўрта қисмидагиси бошқаларига нисбатан узунроқ.

Барглари оддий, қисқа бандли, чўзиқроқ, чети тишчали. Баргларининг устки томони яшил, остки томони зангори, новдаларида кетма-кет ўрнашган. Барглар куз яқинлашиши билан қизғиш тус кўринишини ола бошлайди ва октябрда тўкилади.

Гуллари руваксимон, шингилчаларида тўп-тўп бўлиб ўрнашган, гулқўрғони мураккаб, эни 1 см гача бўлади. Руваклардаги гулларининг сони 10—20 та бўлиб, гулбандчаларининг узунлиги 0,8 см. Меваси қорамтир бинафша рангли, эллипс шаклида, узунлиги 0,7—1,2, эни 0,4—0,8 см. Уруғи 2—3 тадан 4—5 тагача бўлади.

Қорақанд май ойида гуллайди, меваси август-октябрь ойларида пишади. Унинг мевалари ёш новдаларида йирикроқ, эски новдаларида эса майдароқ бўлади.

Қорақанд республикамизнинг тоғли районларида денгиз сатҳидан 1100—2500 метр баландликдаги ёнбағирликларда майда шағал тошли, соз тупроқли ерларда, эски дарё ўзанлари ҳамда сойларда учрайди. У кўпинча тўп-тўп бўлиб ўсади, баъзан унча катта бўлмаган майдонларда қорақандзорларни ташкил этади.

ЗИРҚ (қизилқанд, қизилзирк — берберис интегерима) бўйи 3 м келадиган, сершоҳ-шаббали бута. Йирик шоҳларининг пўстлоғи кулранг, ёш новдаларники эса қизил ёки жигарранг бўлади.

Пастки қисми мева бермайдиган шоҳлар билан қопланган. Шоҳ-шаббалар асосидаги тиканлари уч бўлакли, ўрта ҳамда учки қисмида ўрнашган тиканлар оддий бўлиб, бўлакчаларга бўлинмайди. Барглари қисқа бандли, яхлит қирралари чўзиқ, узунлиги 4—5 см, эни 1,3—1,8 см бўлади. Барглари куз келиши билан қизғиш тусга кира бошлайди.

Гуллари мураккаб тўпгул ҳосил қилиб, руваксимон шингилчаларда 10—20 тадан бўлиб ўрнашади. Мевасида шингилчалар осилиб туради. Меваси ҳам чўзинчоқ бўлиб, узунлиги 0,6—0,8 см, қизил рангли. Қизилқанд апрель-май ойларида гуллаб, меваси сентябрь-октябрь ойларида пишади. Бу ўсимлик майда шағал тошли ва соз тупроқли майдонларда яхши ўсади. У дарё ўзанларида, сойларда, денгиз сатҳидан 1000—2600 метр баландликдаги майдонларда учрайди. Кўпинча тўп-тўп бўлиб, баъзан унча йирик бўлмаган майдонларда зиркзорларни ҳосил қилади.

Қорақанд ва қизилқандларнинг ҳосилдорлиги ўсимликнинг ўсиш шароитига ва ёшига боғлиқ. Унинг яхши

Усган туپидан 2—8 кг (ҳўл вазнда) мева териб олса бўлади.

Қорақанд ва қизилқанд меваларини турли мақсадларда ишлатиш мумкин. Меваси нордон ва хуштаъм бўлиб, ундан ҳар хил шарбатлар, мураббололар, консервалар, спиртсиз ичимликлар, сиркалар тайёрлашда кенг фойдаланиш лозим. Унинг меваларидан тайёрланган шарбат таомни иштаҳа билан истеъмол қилишда муҳим роль ўйнайди. У ошқозоннинг овқат ҳазм қилиш системасини яхшилайди.

Қорақанд ва қизилқанднинг барра барглари нордон ва мазали бўлганлиги сабабли, улардан озиқ-овқат саноатида фойдаланиш мумкин. Уларнинг илдизларидан сариқ ва тўққўнғир рангли бўёқ олиш мумкин. Усимлик илдизларидан турли алкалоидлар олинади.

Усимликнинг меваси таркибида органик (олма, лимон, вино) кислоталар, қанд, фруктоза, гликозид, бўёқ, ошловчи моддалар ва минерал тузлар, С, В₁, В₂, РР, Е, А витаминлари, Р-актив типдаги моддалар ҳамда каротин бўлади.

Қорақанд ва қизилқанднинг шифобахшлик хусусияти қадимдан маълум. Ундан халқ табobatiда ошқозон ва юрак фаолиятини яхшиловчи, баланд ҳароратни пасайтирувчи, юқори қон босимини камайтирувчи восита сифатида фойдаланилади.

Илмий медицинада бу ўсимликнинг берберис вулгарис деган туридан тайёрланган дори-дармонлар бербери алкалоиди билан боғлиқ бўлиб, ундан бербери бисульфат препарати ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Пўстлоқ ва илдиздан тайёрланган дамлама «холелитин» препарати таркибига киради. Баргидан тайёрланган дамлама генекологияда кенг ишлатилади. Усимликдан тайёрланган дори-дармонлар зарда қайтарувчи, ўт йўлларидаги тошчаларга қарши ҳамда жигар касалликларини даволашда кенг қўлланилади. Ўзбекистон ССР Урмон хўжалик министрлигининг хўжаликлари томонидан қорақанд ва қизилқанд меваларини тайёрлаш ҳамда давлат корхоналарига топшириш йўлга қўйилган.

Тайёрланган мевалар ҳўллигича Шаҳрисабз консерва заводига мева шираси олиш учун топширилса, қуритилган мевалари эса савдо тармоқларига чиқарилади.

Сўнгги йилларда қорақанд ва қизилқанд мева маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бормоқда. 1976—1980 йиллар давомида 22 тонна қуруқ вазндаги мевалар йи-

ғиштириб олинди. Үн иккинчи беш йилликда эса бу кўрсаткич 30 тоннага етади.

ЗУПТУРУМ (плантаго майор) зуптурумдошлар оиласига мансуб, баландлиги 10—35 см келадиган кўп йиллик ўт. Барги тухумсимон ёки эллипсимон, асоси юмалоқ ёки икки томонидан сиқик, текис қиррали. Гултожбарглари оч-қўнғир рангли, туксиз. Уруғи қўнғир тусли бўлиб, майда.

Зуптурум май-сентябрь ойларида гуллайди ва уруғлайди. У бегона ўт сифатида ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, зах жойларда, йўл атрофларида, боғларда учрайди.

Зуптурумнинг шифобахшлик хусусияти халқимизга жуда қадимдан маълум. Унинг баргидан яраларни, айниқса чипқонни даволашда, шарбатидан эса шамоллаш ва ичбуруғ касалликларини даволашда кенг фойдаланилади.

Илмий медицинада зуптурум баргидан тайёрланган настойкадан кўйкўтал, бронхиал астма ҳамда сил касалликларини даволашда кенг фойдаланилади. Ўсимлик шарбати ва дамламаси ёрдамида яралар тез битади. Унинг шу хусусиятларини эътиборга олиб, плантаглюцид препарати яратилган. Баргидан тайёрланган шарбат билан ошқозон яраси ва яллиғланиш касалликларини даволаш мумкин.

Зуптурумнинг шифобахшлик хусусияти унинг таркибидаги фитонцид моддаларининг антимикроблик қобилиятига эга эканлигидир. Бундан ташқари гликозид аукубин гидролизланиб, аукубигенин ва глюкозага парчаланadi. Шунингдек, унинг таркибида флавоксид, С, К витаминлари, А провитамини, ошловчи ва аччиқ моддалар, полисахарид ҳамда турли хил микро ва макроэлементлар, уруғида эса оқсил ва 22 процент ёғ моддаси бор.

Ўзбекистон Ўрмон хўжалик министрлигининг тайёрлов ташкилотлари зуптурум хом ашёсини териб, давлатга топшириш билан шуғулланадилар. Бу ўсимликдан тайёрланган хом ашёни Чирчиқ, Бручмулла, Яккабоғ, Бекобод, Андижон, Наманган ва Фарғона ўрмон хўжаликлари керакли ташкилотларга тайёрлаб берадилар. Унинг беш йилликда бу ўсимлик хом ашёсидан 2 тонна тайёрланган бўлса, ўн иккинчи беш йилликда бу кўрсаткич 1,5—2 бараварга ошади.

ЗОФОЗА (эфедра эквизетина) поя ҳамда новдалари тик, йўғон, бўйи 1—1,5 м келадиган бута ҳолдаги зоғозадошларга мансуб ўсимликдир. Тана пўстлоғи

кулранг. Барги тангачасимон, новдаларида қарама-қарши ўрнашган. Меваси қизил, думалоқ ва этдор. Уруғи наштарсимон, икки томони бўртиб чиққан, узунлиги 4—6 мм. Зоғоза май-июнь ойларида гуллайди, меваси июль-августда пишади.

Зоғоза Урта Осиёнинг тоғли районларида кўп тарқалган. Бу ўсимлик Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг тоғли районларида, тоғ ёнбағирларида, қия ва шағал тошчали майдонларда ўсади.

Зоғозанинг жуда ҳам оғир шароитларда ўсаверишига сабаб, унинг илдиз системасининг яхши ривожланганлигидир. Унинг илдизи тош ёриқларига ҳам кириб бориб, ўзини озуқа ҳамда сув билан таъминлаб туради.

Зоғозанинг табиий бойликлари Чотқол, Угам, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғларининг жанубий, ғарбий ва шарқий ёнбағирларидаги қия ва шағал тошчали майдонлардадир. Бу ерлардаги зоғозазорларнинг тизлиги гектарига 1000—2500 тупгача бўлиб, улардан 300—700 кг хом ашё тайёрласа бўлади.

Зоғозанинг хом ашё сифатида яшил, барра новдалари ишлатилади. Унинг хом ашёсини йиғиштириб олиш биринчи маротаба ўсимлик кўкаргунча, яъни апрель ва май ойининг ўрталарида, иккинчи маротаба эса августдан то октябргача, яъни ўсимликнинг новдалари ўсишдан тўхтагандан сўнг олиб борилади.

Зоғозанинг барча органлари алкалоидлар, ошловчи моддалар, пирокатехин ва флобафен моддаларини сақлаш хусусиятига эга. Алкалоидлардан *l*-эфедрин, *d*-псевдоэфедрин ва метилэфедринлар бўлиб, уларнинг миқдори 0,6—3,2 процентга етади.

Зоғоза хом ашёсидан тайёрланган дори-дармон билан гипотон, бронхиал астма, кўк йўтал, асаб ва юқумли касалликларни даволаш, шунингдек заҳарланишнинг олдини олиш мумкин.

Зоғоза хом ашёларидан дори-дармон ишлаб чиқариш билан Чимкент химия фармацевтика заводи шуғулланади. Унга зарур бўлган хом ашёни Зомин ўрмон хўжалик ходимлари етказиб беради. Унинг беш йилликда 60 тонна хом ашё тайёрланган бўлса, ўн иккинчи беш йилликда бу кўрсаткич бирмунча кўтарилади. Шу сабабли зоғозанинг табиий бойликларига тўфон келтирмаслик учун терим ўтказиладиган майдонларни навбатлаштириб туриш, уни кўпайтиришга эътибор бериш лозим. Бу ўсимлик уруғидан ҳамда вегетатив йўл билан кўпаяди.

ИССОП (хисопус зеравшаникус) — кўп йиллик, кўп новдали, новдаларининг асоси ёғочланган, тик ўсувчи чала бута бўлиб, баландлиги 70 см келадиган лабгул-



2-расм. Иссоп.

дошларга оид ўсимликдир. Барги наштарсимон ёки лонасимон, яхлит қирғоқли, дағал тукчалар билан қопланган (2-расм).

Бу ўсимлик июль-август ойларида гуллайди, август-сентябрь ойларида эса уруғи етишади. Республикамиз тоғли районларининг тоғ ёнбағирларида, тошли, қуруқ ерларда учрайди. У унча катта бўлмаган майдончаларда ўсади. Ҳар гектаридан 30—50 кг ҳосил олиш мумкин.

Иссоннинг барги ҳамда ёш новдаларини зиравор сифатида турли таомларга ишлатса бўлади.

Халқ табobatiда иштаҳани очувчи дори-дармон ўрнида ишлатилади. Илмий медицинада ревматизм, нафас қисиш, ошқозон-ичак, сариқ, сув тўпланиш хасталикларини даволашда фойдаланиш мумкин.

Иссон таркибида 0,4—0,7 процент ёқимли ҳидга эга эфир мойи, органик кислоталар, витаминлар, минерал тузлар, бўёқ моддалар мавжуд. Бу ўсимлик уруғидан кўпаяди.

ҚИЙИҚЎТ (зизифора педицеллата) бўйи 40 см келадиган серпояли чала бутачадир, пояси асосидан ёғочланган, бир оз эгилган, ингичка, серновдачали майин тукчалар билан қопланган. Барги наштарсимон, асоси понасимон, ўткир учли, туксиз, баъзан нозик тукчали бўлади. Гуллари поя ва новдачалар учиде тўпгуя шаклида ўрнашган. Гултожибарги 7—8 мм, оч-гунафша рангли. У июнь-июль ойларида гуллаб, уруғи сентябрь-октябрь ойларида тўлиқ етишади (3-расм).

Зизифора педицеллата тоғ ёнбағирларидаги шағалли ва тошли, соз тупроқли жойларда ҳамда дарахт, буталар орасидаги майдонларда, денгиз сатҳидан 2400 м баландликда бўлган ерларда турли хил тупроқ шароитларига мослашган ҳолда ўсади.

Бу ўсимликнинг асосий бойликлари Оҳангарон, Бручмулла, Фориш, Зомин, Бахмал ўрмон хўжаликларини территориясида бўлиб, уларнинг ҳар гектар майдонидан 250—300 кг хом ашё тайёрласа бўлади.

ҚИЙИҚЎТ (зизифора памиралаика) бўйи 20—40 см келадиган серпояли чала бутачадир. Пояси асосидан ёғочланган, оддий ёки момиқ тукчали. Барги йирикроқ, тухумсимон, баъзан юмалоқ, ўтмас ёки ўткирроқ учли, асоси сиқик, қисқа бандли, яхлит гардишли. Гуллари шарсимон тўпгулларига ўрнашган, қисқа бандли косачабарги 6—7 мм, гултожбарги 10—11 мм, оч-қизил гунафша рангли.

Зизифора памиралаика июль-сентябрь ойларида гуллайди, уруғи сентябрь-октябрда пишади. Бу ўсимлик тоғ зонасининг юқори қисмида, яъни денгиз сатҳидан 2600—2900 м баландликда бўлган ёнбағирликларда

усади. Унинг ҳар гектаридан 100—250 кг хом ашё териб олса бўлади.

✓ **КИЙИКУТ** (зизифора бревикаликс) сершоҳ-шаббали, пояси ингичка ва бир оз эгилган, бўйи 10—40 см келадиган чала бутачадир. Барги узунчоқ, бандли, баъзан арчасимон, майда момиқ тукчали ёки бутунлай туксиз бўлади. Тўпгуллари поя ҳамда новдача учларида ярим шарсимон ҳолда ўрнашган.

Косачабарги 4—6 мм, юмшоқ тукчалидир. Гул-тожбарглarning катталиги 8—9 мм, оч-гунафша рангли. У июнь-июль ойларида гуллайди, уруғи август-сентябрларда тўлиқ етишади. Бу ўсимлик тоғ зонасининг паст ва ўрта қисmlаридаги йирик, шағал тошли ёнбағирликларда кўп тарқалган. Унинг табиий бойликларининг ҳар гектаридан 150—280 кг хом ашё териб олса бўлади.

Кийикўт нозик хушбўй ҳиди, шифобахшлиги, овқатга яхши маза бериши билан қимматбаҳо ҳисобланган зираворлардан (қорамурч, лаврабарги, болгар қалампери) қолишмайди.

Кийикўт зиравор сифатида озиқ-овқат сапоатида ишлатилади. Бу ўт аралаштирилиб тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари ёқимли ҳидга эга бўлади, таъми ҳамда мазаси яхшиланади, овқатларни биологик актив моддалар билан бойитади ва бузилишига йўл қўймайди.

Кийикўтдан гўшт, қази, ҳасип, балиқ ва мевали



3-расм. Кийикўт.

консервалар тайёрлашда ҳамда спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Кийикўтларнинг шифобахшлиги халқ табобатида жуда қадимдан маълум. Бу ўсимликлар ёрдамида буйрак, юрак, қон босими каби хасталикларни даволаганлар. Илмий медицинада уларнинг шарбати, қайнатмаси юракнинг иш фаолиятини яхшилашда, артериал қон босимини камайтиришда, сийдик ҳайдовчи доридармон сифатида ишлатилади.

Кийикўтларнинг зирворлик ҳамда шифобахшлиги, уларнинг таркибидаги биологик актив моддаларнинг хили ҳамда миқдорига боғлиқ. Бу ўсимликларнинг барча ер устки аъзолари 0,5 процент эфир мойини, С, Е витаминларини ва А провитаминоини, органик кислоталарни кўп сақлайди.

Сўнгги йилларда кийикўтлар хом ашёсига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Агар ўнинчи беш йилликда 18 тонна кийикўт хом ашёси тайёрланган бўлса, ўн иккинчи беш йилликда бу кўрсаткич 25 тоннага етади.

ЛИМОНЎТ (мелисса оффисиналис) бўйи 60—80 см келадиган кўп йиллик ўт бўлиб, лабгулдошлар оиласига мансуб. Унинг пояси тик, яхши ривожланган, серновда, жингалак тукчалар билан қопланган. Барги тухумсимон, асоси юмалоқ, айрим ҳолларда юраксимон, четлари йирик аррасимон тишли, устки томони тукчали, пастки қисми туксиз. Гуллари бандли, новдачаларда ҳалқа шаклида ўрнашган. Гултожибарглари оқ, уруғи уч қиррали, чўзиқроқ, тўққўнғир рангли. У июнь-августда гуллайди, уруғи сентябрь-октябрда тўлиқ етилади (4-расм).

Лимонўт тоғ этаклари ва ёнбағирларида, дарахт, буталар орасида ўсади. Унинг асосий бойликлари Бўстонлик, Паркент ҳамда Ангрэн районларининг тоғли қисмларида бўлади. У жанубий тоғли районларимизда жуда кам учрайди.

Лимонўтнинг ҳосилдорлиги гектарига 70—100 кг га етади. Бу ўсимлик лимон ҳидини эслатгани учун унга лимонўт ёки лимонли мелисса деб ном берилган. Унинг барра новдалари ва барглари қимматбаҳо зирвор сифатида гўштли, сабзавотли консервалар тайёрлашда ишлатилади.

Лимонўтдан халқ табобатида камқонлик, овқат ҳазм бўлишининг бузилишини, баъзан асаб ҳамда юрак хасталикларини даволашда, сийдик ва ел ҳайдовчи, оғ-

риқни қолдирувчи дори-дармон сифатида фойдаланилади.

Илмий медицинада организмнинг ҳаракатчанлигини оширишда, иштаҳани очишда, ошқозон ва нафас йўл-



4-расм. Лимонўт.

лари яллиғланишини даволашда ишлатилади. Ундан тайёрланган дори-дармонлар ошқозон ва ичакда тўпланиб қолган елларни ҳайдашда қўлланилади. Лимон-

Ўтнинг шифобахш бўлиши, унинг таркибида танид, бўёқ моддалари, минерал тузлар, эфир мойлари, лимон ва қаҳрабо кислотаси, С, В витаминлари ва А провитами-ни ҳамда турли микроэлементларнинг борлигига бог-лиқдир.

Лимонўт асосида иттифоқимизда биринчи бўлиб ор-ганизмга қувват берадиган спиртсиз ичимлик «Горный цветок» яратилди. Ҳозирги кунда лимонўт хом ашёсига ҳамда ундан яратилган маҳсулотга эҳтиёж ошиб бор-моқда. Лимонўт хом ашёсини тайёрлаш ва уни озиқ-овқат саноатининг керакли тармоқларига етказиб бе-риш билан Ўзбекистон Ўрмон хўжалик министрлигининг ташкилотлари машғулдирлар. Бручмулла ўрмон хўжа-лиги ўнинчи беш йилликда 2 тонна лимонўт хом ашёси-ни тайёрлаб берган бўлса, ўн иккинчи беш йилликда бу кўрсаткич 3 тоннага етади.

✓ НАЪМАТАК (роза федченкоана) раъногулдошларга кирувчи, бўйи 3—6 метр келадиган, кўп пояли, шох-шаббалари тарвақайлаб ўсадиган бута шаклидаги ўсим-ликдир.

Иўғон шохчаларининг пўстлоғи қўнғир рангли, ёш новдачаларники оч-яшил ва қўнғир оқ-яшил рангли бўлади. Шох-шаббалари қаттиқ тиканли бўлиб, ён то-монга қараган. Барги мураккаб, 5—9 та арра тишли баргчалардан ташкил топган. Уларнинг устки томони кўк-яшил, остки томони оч-яшил рангли, тухумсимон ёки думалоқ бўлиб, узунлиги 10—30 мм, эни 8—20 мм. Гултожи оқ ёки пушти рангли, диаметри 5—9 см тўғри келади. Гултаги тўқ-қизил, этдор, тухумсимон ёки бу-тилқасимон, диаметри 2—3 см. Меваси йирик, узунлиги 5 см гача боради. У июнь-июлларда гуллайди, меваси август-сентябрларда тўлиқ пишади.

Федченко наъматаги кўпинча очиқ майдонларда, тошли ёнбағирликларда, қуриб қолган дарё ўзанларида, арчазорларда учрайди. Бу наъматак деярли барча тоғли районларимизда тарқалгандир. Лекин улар йирик-йирик наъматакзорларни ташкил этмайди. Ўсимликнинг ўсиш шароитига қараб, гектаридан 65—250 кг гача ҳўл вазн-даги меваларини териб олса бўлади.

Бу ўсимлик уруғидан, шунингдек, бачкиларидан ҳам кўпаяверади.

Федченко наъматагининг меваси витаминга жуда бой. Шу сабабли поливитаминли дори-дармонлар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё манбаларидан бири ҳи-собланади. Унинг меваси авитаминоз ва жигар касал-ликларини ҳамда зотилжамни даволашда кенг ишла-

тилади. Инсон организмида витамин С етишмаган пайтда, уни мевасидан фойдаланиш жуда ўринли. Ундан тайёрланган холосос препарати гепатитни даволашда қўлланади. Данакчаларидан олинган мойи билан тери касалликлари даволанади.

Федченко наъматаги мевасининг таркибида 1500—1800 мг процент С витамини, 8—14 процент қанд, 3 процент танид, 8—10 процент пектинли моддалар, 15—18 мг процент каротин, В₁, В₂, РР, К, Е витаминлари, А провитамини, лимон ҳамда олма кислоталари, флавонолар ва жуда оз миқдорда эфир мойлари бўлади. Бу наъматакнинг меваларини август-сентябрь ойларида, яъни меваси оч-қизил ёки қизил рангга кирганда, унча етилиб пишмаган пайтда териб олиш керак. Табиий бойликларидан оқиллона фойдаланиш зарур.

Наъматак хом ашёсини тайёрлаш ва уни керакли ташкилотларга етказиб бериш билан Ўзбекистон Ўрмон хўжалик министрлигининг ташкилотлари шуғулланишлари. Агар ўнинчи беш йилликда 280 тонна наъматак хом ашёси тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич ўн иккинчи беш йилликда 380 тоннага етади.

ОМОНҚОРА (унгерния викторис) чучмомагулдошлар оиласига кирувчи кўп йиллик ўт. Пиёзи тухумсимон, 4—7 см катталиқда бўлиб, қобиғи нозик қўнғир-қора рангдadir. Барглари йирик, пояда икки қатор бўлиб жойлашган, узунлиги 20—25 см, эни 2—3 см дир. Соябони 4—7 гулли бўлиб, ҳаммаси бир томонга қараган. Гуллари сарғиш-пушти рангда бўлади.

Омонқора июнь-сентябрь ойларида гуллайди ҳамда уруғи етишади. Бу ўсимлик Сурхондарё областининг Сарийосиё, Денов, Бойсуи районларининг тоғли қисмларида кенг тарқалган. Унинг асосий табиий бойликлари ўрмон хўжалик территориясидадир. Унинг табиий бойликларидан 300—500 тонна ҳўл вазндаги хом ашё териб олиш мумкин. Ҳар бир гектар майдондан 2—3 тонна ҳўл барг ва 1—3 ц пиёз йиғиштирса бўлади.

Бу ўсимлик хом ашёсидан тайёрланган препарат билан илмий медицинада шол, радикулит ҳамда баъзи бир асаб касалликлари даволанади. Омонқора ўсимлигининг таркибида шифобахшлик хусусиятига эга жуда кўп миқдорда турли хил биологик актив моддалар мавжуд. Сўнгги йилларда унинг хом ашёсидан тайёрланган дори-дармонларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Шу туфайли ўсимлик хом ашёсига ҳам эҳтиёж кўлаймоқда.

Омонқора хом ашёсини тегишли ташкилотларга етказиб бериш билан Ўзун ўрмон хўжалиги ходимлари

шуғулланадилар. Улар ўнинчи беш йилликда 100 тонна хом ашё тайёрлаган бўлса, бу кўрсаткич ўн иккинчи беш йилликда 575 тоннага етиши мўлжалланган.

Сўнгги йилларда ўсимлик хом ашёсини тайёрлаш ман этилди. Чунки омонқорани тайёрлашда унинг биологик хусусиятларига етарли эътибор бермаганлар. Натижада унинг табиий бойликлари камайиб бормоқда. Бу ўсимлик бойликлари бутунлай йўқолиб кетмаслиги учун омонқора Ўзбекистон ССР «Қизил китоб»ига киритилган. Бундан кейин омонқора хом ашёсини тайёрлов ишлари маълум план асосида, унинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак.

ПИЁЗ (аллиум) пиёзгулдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Бу туркумнинг 70 тури республикамизнинг чўл, адир, тоғ ва яйлов зоналарида ёввойи ҳамда маданий ҳолда ўсади.

Ёввойи ҳолда ўсувчи пиёзларнинг озиқ-овқат саноати ва медицина учун энг қимматбаҳо хом ашё манбаи ҳисобланадиганлари анзур пиёзи, Зарафшон пиёзи, Суворов пиёзи, дашт пиёзидир.

ПИЁЗ АНЗУР (аллиум стипитатум) бўйи 60—150 см келадиган, тик силлиқ пояли, кўп йиллик пиёзбошлик ўт. Пиёзи сиқик шарсимон, 6 см гача қалинликда, қорамтир нозик қобиққа эга. Барги қайишсимон, 2—3 см энликда, ост томони тукчали, устки қисми туксиз, гардиши текис. Гулбандлари тенг, гулқўрғонидан 3—6 мартаба катта. Тугунчаси қисқа бандли ва дағалроқ. Қўсақчаси шарсимон, сиқикроқ, эни 5 мм. У май-июнь ойларида гуллайди, уруғи июнь-июль ойларида тўлиқ пишади.

Пиёз анзур тоғли районларимизнинг денгиз сатҳидан 1100—2400 м баландликда бўлган ёнбағирликларида ўсади. Пиёз анзур ёқимсиз, сассиқ ҳидли, фитонцидлик хусусиятига эга. У ҳар хил касаллик тарқатувчи микробларни қириб юборади. Усиш шароитига қараб анзурнинг ҳосилдорлиги 100—700 кг гача бўлиши мумкин.

РОВОЧ (реум) торондошлар оиласига мансуб бўлиб, бу ўсимликнинг 7 тури Ўзбекистон ўсимликлар оламида кенг тарқалган. Маҳаллий аҳоли ровоч турларини чуҳра, чуқри, туяяпроқ каби номлар билан атайдилар. Ровоч турлари Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Наманган областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССР территориясининг чўл, адир ва тоғ зоналарида учрайди.

Ровочларнинг Максимович, йирик уруғли, катта баргли (юраксимон) каби турлари халқ хўжалик аҳамиятига эга. Уларнинг барра поя ҳамда новдачаларини хом ашё сифатида озиқ-овқат саноатида, мева ҳамда илдиэларини медицинада кенг кўламда ишлатса бўлади.

РОВОЧ (Реум Максимович) кўп йиллик, пояси тик, новдаланган, қизғишроқ, деярли баргсиз, бўйи 70—150 см келадиган ўсимликдир. Илдизолди барглари узун бандли, япроғи думалоқ, асоси буйраксимон, узунлиги 40—55, эни 50—60 см. Гуллари оқ-яшил ёки сарғиш рангда, пирамидасимон тўпгулларга ўрнашган. Меваси йирик, осилиб турувчи, уч қиррали қизил, қўнғир рангли бўлади. У апрель-июнь ойларида гуллайди, меваси июль-августларда етишади.

Ровочнинг фойдали хусусиятлари жуда қадимдан маълум. Унинг барг банди, барра новдалари ҳамда илдизларидан турли мақсадларда фойдаланиб келинмоқда. Ровочнинг ишлатиш сабаби, унинг таркибида фойдали моддаларнинг кўп бўлишидадир.

Ровоч илдизи ҳамда ер устки органлари таркибида 5—22 процент ошловчи танид, 6 процент шакар, 22 процент крахмал, 8 процент гликозид ва бўёқ моддалари, олма, лимон, вино кислоталари, минерал тузлар, С витамини ва А провитамино бор.

Урта Осиёнинг аллома олими Ибн Сино ровоч илдизи ва мевасидан тайёрланган дамлама билан чечак, вабо, қизамиқ, буйрак, ич кетиш ва қонни тўхтатиш каби касалликларни даволаган.

Ҳозирги пайтда халқ медицинасида ровоч меваси ва илдизидан тайёрланган қайнатма билан иситма, ич кетиш, қонни тўхтатиш сингари хасталиклар даволанади. Ровоч илдизининг сутда тайёрланган қайнатмаси ичак ва юрак касалликларини даволашда фойда қилиши ҳаммага маълум. Барг банди ва барра новдалари ёрдамида қанд касаллигини даволайдилар.

Республикаимиз территориясида учрайдиган ровочлар давлат фармакопоеясига киритилмаган, шу туфайли илмий медицинада ишлатилмайди.

Илмий медицинада Тангут ровочининг илдизидан тайёрланган дори-дармонлар ошқозон-ичак касалликларини даволашда ишлатилади.

Ровочнинг шифобахшлиги ҳисобга олиниб, уни давлат фармакопоеясига киритиш, Ўзбекистоннинг кўнчилик саноатини ривожлантиришида ровочлар илдизидан хом ашё сифатида фойдаланиш самарадорлигини янада оширади.

ЎзССР ФА Ботаника институтининг эфир мойли ва бўёқли ўсимликлар лабораториясининг олимлари Ўзбекистон давлат агропромининг озиқ-овқат ва мева-сабзавотчилик саноат бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда Иттифоқимизда биринчи бўлиб ровоч, баъзи зиравор, доривор, эфир мойли ўсимлик турларидан қувват берувчи ичимлик ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Китоб ҳамда Шаҳрисабз консерва заводлари ровочнинг барги, банди ва барра новдачаларидан шарбатлар тайёрламоқда. Шу сабабли ровочлар хом ашёсига бўлган талаб кун сайин ошиб бормоқда. Ровочлар хом ашёсини тайёрлаш билан республика Урмон хўжалик министрлигининг доривор ўсимликларни тайёрлаш бошқармаси шуғулланмоқда. Уларни тайёрлаш билан Узун, Боботоғ, Бешқўтан, Китоб, Яккабоғ, Самарқанд, Фориш ва Жиззах ўрмон хўжаликлари банддир.

Унингчи беш йилликда 360 тонна ровоч тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич ўн иккинчи беш йилликда 600 тоннага етади.

Ровочларни тайёрлашда уларнинг бойликларига зиён келтирмаслик учун ўсимликнинг биологик хусусиятларини эътиборга олиш, тайёрланадиган майдонларни галма-галлаштириб туриш, ялпи тайёрловга йўл қўймаслик даркор. Шундагина унинг бойликлари йўқолиб кетмайди.

СУВОРОВ ПИЁЗИ (аллиум Суворови) юмалоқ, 2—3 см қалинликда, кулранг қобиқли, пиёзбошли кўп йиллик ўт. Поясининг баландлиги 30—60 см, барглари 2—6 та, чети ғадир-будир, кулрангдир. Соябони ярим юмалоқ, баъзан юмалоқ, кўп гулли, гулбандли, гулқўрғонидан 2—5 маротаба узун, асосида ёндош баргчалари бўлмайди. Юлдузсимон гулқўрғон баргчаларининг узунлиги 4 мм, бинафша рангли. Кўсакчалари кенг тухумсимон, эни 5 мм. Суворов пиёзи май ойида гуллайди ва уруғи июнь-июлда етишади. Бу пиёз Тошкент, Фарғона, Жиззах, Самарқанд областларининг тоғ олди қисмидаги соз тупроқли ерларда яхши ўсади.

Суворов пиёзи қўланса ҳидли, микробларга қирон келтирадиган фитонциддир. Умуман айтганда ёввойи пиёзларнинг барча турлари қўланса ҳидли бўлиб, фитонцидлик хусусиятига эга.

Уларнинг шифобахшлик хусусияти жуда қадимдан маълум. Ёввойи пиёзлардан халқ табобатида, айниқса, тери касалликларини даволашда кенг фойдаланилади.

Ёввойи пиёзларнинг шифобахшлиги уларнинг таркибида жуда кўп миқдорда биологик актив моддаларнинг

мавжудлигидир. Айниқса эфир мойи, глюкозид, фитонцид, протеин, крахмал, қанд, аччиқ моддалар ҳамда А провитамини, В, С витаминларига бойдир.

Ёввойи пиёзларнинг пиёзбошларидан уй шаронтларида ҳамда саноат услубида юқори сифатли анзур пиёзи консервалари ишлаб чиқарилган эди. Шу сабабли, сўнгги йиллар давомида ёввойи пиёз хом ашёларига бўлган талаб ортиб борди. Бу хом ашёларни териш билан Ўзбекистон Ўрмон хўжалик министрлигининг Узун, Бойсун, Бешқўтон, Қамашни, Деҳқонобод, Яққабоб, Зомин ўрмон хўжаликларининг ишчи-ходимлари машғул бўладилар. 1976—1980 йиллар давомида 251 тонна хом ашё Ўзбекистон давлат агропромига қарашли мева-сабзавот бошқармаси ҳамда Ўзбекбирлашув ташкилотига қарашли консерва заводларига топширилган.

Кейинги пайтларда ёввойи пиёзлар хом ашёсига талаб ошиб кетди, йиғиштириш ишларига тўлиқ эътибор берилмади, ўсимликларнинг биологик хусусиятлари ҳисобга олинмади. Натижада уларнинг табиий бойликлари камайиб кетди. Шу сабабли, улар бутунлай йўқолиб кетмаслиги ҳамда генафондни сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 15 июнь 1982 йил 439 номерли қарорига асосан Сурхондарё областининг Сарносиё район территориясининг тоғли қисмида 3,8 минг гектар майдон ёввойи пиёзлар учун заказник деб эълон қилинди. 1984 йили пиёз анзур Ўзбекистон ССР «Қизил китоб»га киритилди ва шу йилдан бошлаб улардан хом ашё тайёрлашга барҳам берилди. Бу ўсимлик хом ашёсига бўлган талаб ҳисобга олингани ҳолда Қашқадарё областининг Китоб райони территориясидаги Варганза қишлоғида пиёз анзурни маданий ҳолатда экиб ўстириш ва йиғиштириш технологияси йўлга қўйилмоқда.

СУВҚАЛАМПИР (полигонум гидропипер) торондошлар оиласига кирувчи аччиқ таъмли, тик ўсувчи, бўйи 75 см келадиган бир йиллик ўт. Пояси цилиндрсимон, бўғинли, қизғиш рангли, кўп шох-шаббачалидир. Поясида жойлашган барглари қисқа бандли, юқоридагилари эса бандсиз бўлади. Барги чўзиқ ланцетсимон, текис қирғоқли бўлиб, кетма-кет жойлашган. Баргининг узунлиги 8 см, эни эса 3 см. Гуллари майда, кўримсиз, поя учиди эгилган, шингилсимон тўпгул ҳосил қилади. Уруғи ёнғоқча шаклидадир.

Сувқалампир июль-октябрларда гуллайди ҳамда уруғлайди. У республикамизнинг деярли барча област-

лари территориясидаги ариқ бўйларида ва зах ерларда кўп учрайди.

Сувқалампирнинг барги, новда ва илдизи жуда ачиқдир. Халқ табобатида ўсимликнинг ер устки аъзоларидан тайёрланган қайнатма ҳамда дамлама ёрдамида бавосил ҳамда турли яра касаллигини даволашда кенг фойдаланилади.

Илмий медицинада ундан тайёрланган препарат гидропиперин ҳамда шарбат билан ичдан қон кетиш, зотилжам ва бавосил касалликлари даволанади.

Сувқалампирнинг барги ва новдаларида рутин, кварцетин, 8 процент танид, полигопиперин, глюкозид, қанд моддалари, эфир мойи, полигон, сирка, олма, валериан ва мелисин кислоталари, минерал тузлар, Р, К, С витаминлари бор.

ТОТИМ (рус кориарна)) баландлиги 3,5—5 м келадиган тотимдошларга кирувчи дарахт ёки бута ҳолидаги ўсимликдир.

Тотимнинг барги тоқ патсимон, муракқаб барг бўлиб, новдаларида кетма-кет жойлашган. Унинг меваси рувак ёки бир бош узумга ўхшаб ғуж ҳолда новдаларнинг учида ўрнашади. У май-июнда гуллайди, меваси сентябрь-октябрларда тўлиқ етишади. Тотимнинг барги ва мевалари баҳор ва ёз мавсумида яшил рангда, кузга бориб эса қизил рангда бўлади.

Бу ўсимлик иссиқсевар бўлганлиги сабабли республикамизнинг жанубий районларида, айниқса Сурхондарё областининг тоғли зоналарида денгиз сатҳидан 700—1800 метр баландликда бўлган шағал тошли ва тошли ерларда учрайди ва кичик-кичик тотимзорларни ташкил этади. Унинг асосий майдонлари Сангардак, Тўпаланг, Дуоба, Куштут, Шотрут дарёларининг шағал тошли ёнбағирликларида жойлашган. Бу ерларда тарқалган тотимзорларнинг катталиги 0,2—3,0 гектаргача боради, умумий майдони 200—300 гектардан ошмайди. Ўсимлик тупларининг тиғизлиги 700—4500 донагача бўлади. Ҳар бир тупдан ўртача 400—550 г қуруқ вазндаги барг териб олиш ёки гектаридан 0,3—1,5 тонна қуруқ вазндаги хом ашёни тайёрласа бўлади.

Тотим шундай биологик хусусиятга эгаки, у бошқа ўсимликлар деярли ўса олмайдиган шароитда ўсади. У илдиэ бачкиларидан ҳамда уруғидан кўпаяди.

Халқларимиз қадим замонлардан бери тотимнинг фойдали хусусиятларидан баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Айниқса, унинг барги ошловчи модда ўрнида те-

риларни кўнлаш, газламаларни бўяшда, меваси эса зиравор сифатида ишлатилади.

Тотим шифобахшлик хусусиятига эга бўлиб, ундан халқ табобатида йўтал, оғиз ва милк жароҳатлари, томоқ оғриғи ҳамда зотилжам касалликларини даволашда фойдаланилади.

Фармацевтикада тотим барги соф ҳолда медицинада кўп ишлатиладиган танин моддасининг асосий хом ашё манбаи ҳисобланади. Ундан танальбин, тансал ва бошқа дори-дармонлик хусусиятига эга препаратлар ишлаб чиқарилади.

Тотимнинг таркибида 23 процентгача ошловчи мода, галл, пирогалл ва винокислоталари, кварцетин, рамнетин, мирицетрин, флавоноидлар, мевасидан жуда кўп миқдорда С витамини, ҳар хил органик кислоталар, танин моддалари бор.

Ҳозирги мавжуд бўлган тотимзорлар кундалик ўсиб бораётган талабни қондирмаяпти. Шу сабабли ҳам тотимни тоғ ёнбағирликларидаги бўш жойларда, адирлардаги лалмикор майдонларда кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

ТОҒДАСТАРБОШ (танасетум псеудоахиллея) мураккабгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 50—100 см келадиган кўп йиллик ўт. У кўп пояли, сербарг, сийрак тукчали, фақат уч қисми шохланган. Барги тухумсимон, қўш патсимон қирқилган, эллипсимон ҳамда тукчали бўлади. Поянинг пастки ва ўрта қисмидаги барглари узун бандли. Саватчалари зич, ясси тўпгул шаклида бўлиб, ўрама барги тухумсимон ёки шарсимон. Урама баргнинг баргчалари туксиз, сариқ рангли, уч қисми яшилроқ бўлади. У июнь-августда гуллайди, уруғи июль-сентябрда тўлиқ етишади.

Тоғдастарбош ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида нам ва салқин жойларда, дарахт ва бута тағларида ўсади. Бу ўсимлик турли мақсадлар учун ишлатилади. АҚШнинг Индиана штатида тоғдастарбошнинг барги корица ва мускат ёнғоғи ўрнини босади ва гўштли консервалар тайёрлашда ва ликёрлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Германияда эса у гижжага қарши ва ҳар хил ичак касалликларини даволашда ишлатилади. Бельгия ва Финляндия фармакологиясида тоғдастарбошдан ҳалқасимон гижжага қарши ишлатиладиган дори-дармонлар тайёрланади.

Халқ табобатида ундан гижжага қарши ва бош оғ-

риқни даволашда фойдаланилади. Шунингдек, сариқ касаллигига қарши ҳам ишлатилади.

Илмий медицинада гижжа туширишда ва зотилжамни даволашда унинг настойкаси, дамламасидан фойдаланса бўлади.

Бу ўсимлик таркибида 0,4 процент эфир мойи, алкалоидлар, флавоноидлар, ошловчи моддалар, танауэтин, танацето аччиқ моддалари, органик кислоталар ва минерал тузлар бўлади.

✓ **ТОҒЖАМБИЛ** (тимус заравшаникус) баландлиги 20 см келадиган, асоси ёғочланган, ётиб ўсадиган чала бутача бўлиб, лабгулдошлар оиласига мансуб. Унинг барги тескари-тухумсимон, чўзиқ, наштарсимон ёки тескари-наштарсимон, асоси чўзиқ, киприкчали ва чети яхлитдир.

Тўпуллари новданинг учидан жойлашган, гуллари қисқа гулбандли. Қосачабарги 4—5 мм узунликда, гултожибарги 5—7 мм катталиқда, оч-пушти рангли, ташқари томони бир оз тукли (5-расм).

Тоғжамбил июнь-августда гуллайди, уруғи август-сентябрда пишади. Бу ўсимлик республикамизнинг тоғ минтақасидаги тошли ва юмшоқ тупроқли ёнбағирликларда учрайди. Унинг табиий бойликлари жуда кўп эмас. Ҳар бир гектар майдондан 25—50 кг хом ашё терибли олиш мумкин.

Тоғжамбилдан зиравор ҳамда доривор ўсимлик сифатида кенг фойдаланилади. Турли хил таомларга солиш, ҳасип, қази тайёрлашда ишлатиш мумкин. Саноатда сабзавотли, гўштли, балиқли, замбуруғли консервалар тайёрлашда, колбасалар ишлаб чиқаришда, спиртсиз ичимликлар тайёрлашда, чойларга ҳид беришда ишлатиш мумкин.

Кўпгина мамлакатларда бу ўсимликларнинг бошқа тури дори-дармонлик хусусиятига эга бўлганлиги учун жуда қадрланади. Греклар тоғжамбилнинг барг ва тўпулларини тумов, қорин оғриқ ва уйқусизлик касалликларини даволашда ишлатадилар.

Ҳозирги вақтда маҳаллий халқларимиз бу ўсимликдан сийдик ҳайдовчи, бод касалини даволовчи ҳамда иштаҳани очувчи дори-дармон сифатида фойдаланадилар.

Тоғжамбилнинг таркибида 0,42 процент эфир мойи, С витамини, ошловчи моддалар, бўёқ, органик кислоталар, минерал тузлар мавжуд. Бу ўсимликни уруғидан кўпайтириш мумкин.

✓ **ТОҒФРАЙҲОН** (ориганум титтантум) бўйи 40—75 см

келадиган лабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик, юқори қисми шохланган, жингалак тукчалар билан қопланган. Барги тухумсимон ёки чўзиқ, уч томони ўткир ёки тўмтоқ, асоси кенг понасимон. Гуллари новдачалар ва пояларнинг уч қисмида



5-расм. Тоғжамбил.

жойлашган. Уруғи юмалоқ, тўқ-қўнғир рангли. У июнь-августларда гуллайди, уруғи август-сентябрда тўлиқ пишади.

Бу ўсимлик республикамизнинг барча тоғли районларидаги тоғ ёнбағирликларида турли хил тупроқ шароитларига ва иқлимга мослашган ҳолда ўсади. Айниқса, чириндига бой қўнғир ва қора тупроқли ерларда, майда шағалли жойларда, дарахт ва буталар ора-

сида, очиқ майдонларда, денгиз сатҳидан 750—2400 м баландликда кўпроқ тарқалган.

Халқимизга тоғрайҳоннинг дори-дармонлиги азалдан маълум. Унинг ер устки аъзолари гуллаш даврида жуда ҳам шифобахш бўлиб, ундан турли касалликларни, айниқса ошқозон касалликларини даволашда асосий воcита сифатида фойдаланиб келинган.

Илмий медицинада тоғрайҳондан тайёрланган шарбат ва дамламалар уйқусизликка қарши, танадаги доғларни йўқотишда, сийдик ҳайдашда, шунингдек сурункали бронхитни даволашда ишлатилади.

Тоғрайҳоннинг ҳиди жуда ёқимли, шу боисдан уни зиравор сифатида турли таомлар тайёрлашда ишлатса бўлади. Ундан ҳар хил консервалар тайёрлашда, бодринг, карам ва помидор тузлашда ҳамда мевалардан тайёрланган компот ва қиёмларга ёқимли ҳид беришда фойдаланса бўлади. Чунки унинг таркибида 0,33 процент эфир мойи, 6—8 процент танид моддаси, органик кислоталар, минерал тузлар, флавоноидлар, микроэлементлар, С витамини ва А провитамини бор. Шунинг учун тоғрайҳоннинг фойдали хусусиятларини ҳисобга олиб, ундан бошқа зиравор ўсимликларни қўшган ҳолда хушбўй «Пахтакор» ичимлиги тайёрланди. Ҳозирги кунда бу ўсимлик ҳам ашёсига бўлган талаб кўпаймоқда. Ўсимликнинг табиий бойликларидан ўсиш шароитига қараб 75—250 кг ҳам ашё тайёрласа бўлади.

Тоғрайҳон ҳам ашёсини Чироқчи, Бурчмулла, Оҳангарон, Китоб, Яккабоғ, Фориш, Жиззах, Бахмал, Бойсун, Узун район ўрмон хўжаликлари тайёрлаб, давлат корхоналарига топширмоқдалар. Бу ўсимлик ҳам ашёсн ўнинчи беш йилликда 14 тонна тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич ўн иккинчи беш йилликда 30 тоннага етади.

ТУХУМАК (софора японика) дуккакдошлар оиласига мансуб, бўйи 10 м келадиган дарахт. Барги тоқ патсимон бўлиб, новдаларида қисқа банди билан кетма-кет жойлашган. Баргчаси ўткир учли, чўзиқ эллипссимон, тухумсимон ёки кенг наштарсимон. Гуллари сариқ, руваксимон, гултўпламни ташкил этган, меваси ётли.

Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси август-сентябрда пишади. Меваси пишгандан сўнг, октябрь-ноябрь ойларида териблиб, очиқ ҳавода, йиғилган гулғунчаси эса соя ерда қуритилади.

Тухумак меваси таркибида флавоноид, рутин, В, С витаминлари, бўёқ моддалар, гулғунчасида эса кўп миқдорда рутин моддаси бор. Тухумак гулғунчаси ва

меваси рутин олинадиган асосий хом ашё ҳисобланади. Рутин порошок ва таблетка ҳолида чиқарилади. У Р витамини каби таъсир қилиб, қон томирларининг фаолиятини яхшилайти ва қон босимини даволашда қўлланади. Мевасидан тайёрланган настойка билан йирингли яраларни ва куйганни даволаш мумкин.

Тухумак манзарали дарахт сифатида Ўзбекистоннинг шаҳар кўчаларида, боғларда, канал ва ариқ бўйларида ўстирилади. Ун иккинчи беш йилликда 48 тоннадан зиёд тухумак меваси етказиб берилиши мўлжалланган.

ЧАКАНДА (хиплофия рамноидес) баландлиги 3, баъзан 5 м келадиган кўп шох-шаббали дарахт ёки бута ҳолидаги ўсимлик бўлиб, жийдадошларга мансубдир. Шох-шаббалари сертиканли, тиканлари ўткир учли бўлади. Барглари ланцетсимон, учдор, узунлиги 2—9 см, эни 3—15 мм бўлиб, асоси понасимондир. Баргларининг устки томони кулранг яшил, остки томони оқиш-кумушсимон. Чаканда апрель-май ойларида барг чиқариши билан бир пайтда гуллайди, меваси август-сентябрларда пишади. Пишган меваларининг катталиги 8—10 мм бўлиб, шарсимон кўринишда, сершира, ананас таъмини эслатувчи жигарранг туслидир.

Республикамиз территориясида чаканда тоғли районларимиздаги дарёлар соҳилларида тарқалган. Ўсимликнинг табиий бойликлари Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида жойлашган ўзанларда ҳамда тўқайзорларида учрайди.

Чакандалар табиий ҳолда 30—40 йилгача ўсавериши мумкин. Уларнинг ҳар бир тупидан 5—12 кг юқори сифатли мева, чакандазорларнинг ҳар гектаридан 250 кг гача ҳосил олиш мумкин.

Чаканда меваси таркибида 80—90 процент сув, органик моддалар, витаминлар, микроэлементлар, шакар ва ошловчи моддалар, С, В₁, В₂, Е, К витаминлари, А провитамини, фоллиев кислотаси, мой бор.

Чаканда мевасидан шифобахш ичимликлар, шарбатлар, қиём, жем, кисель ва пасталар тайёрласа бўлади.

Илмий медицинада чаканда мевасидан олинган мой жуда қадрланади. Унинг ёрдамида турли хил хасталикларни, айниқса, инсоннинг куйган терисини, нурлар таъсирида жароҳатланган тери хасталикларини, экзема ҳамда ошқозон касалликларини даволаш мумкин.

Чакандалардан олинган дори-дармонларга бўлган талаб кун сайин ошиб бормоқда. Уларнинг табиий бой-

ликлари эҳтиёжни қоплай олмайди. Шу сабабли чакандаларни маданийлаштириш зарур. Ўсимлик данагидан, қаламча ва бачкиларидан осонлик билан кўпаяди.

ЧЕРКЕЗ (салсола рихтери) баландлиги 0,6—2,5 метр келадиган шўрадошлар оиласига мансуб бута кўринишидаги ўсимликдир. Пояси тик, шох-шаббали, пўстлоғи кулранг, барра новдалари оқиш рангда бўлади. Барглари ингичка, учли, катталиги 8 см гача, асоси бир оз энлироқ. Ўсимликнинг танаси туксиз, илдизи ўқ илдизли.

Черкез март-апрель ойларида кўкаради, июнь-июль ойларида гуллайди. Гулқўрғон барглари қаттиқ, ўтмас, чети пардасимон ҳошияли, кулранг бўлади. Қанотчалари рангсиз, баъзан пушти ёки бинафша ранглидир. Чангдони бир неча бўлакка бўлинган. Меваси август-сентябрь ойларида пишади.

Бу ўсимлик Қизилқум, Қорақум ва Фарбий Устюрт чўлларида кўп учрайди. Айниқса, Қорақумда соф ҳолдаги черкеззорларни учратиш мумкин. Бундай майдондаги черкез тупларининг тўғизлиги 300—350 донадан кам эмаслиги аниқланган бўлиб, уларнинг ҳар гектаридан 150—170 кг хом ашё териб олиш мумкин. Ўзбекистондаги черкеззорларнинг умумий майдони 136,9 минг гектарга тенгдир.

Черкезнинг мева ҳамда мевали новдачалари хом ашё сифатида сентябрь-ноябрларда териб олинади. Бу пайтда унинг меваларининг барчасини териб олмаслик, балки уруғли тупларини қолдириш ҳамда майдонлардан навбатлаштириб фойдаланиш зарур. Шундагина черкеззорларнинг камайиб кетишига чек қўйилади.

Черкез меваси ва мева новдачаларининг кимёвий таркиби жуда мураккаб бўлиб, унинг асосий қисмини сальсолин ва сальсолидин алкалоидлари, шунингдек, органик моддалар ҳамда турли минерал тузлар ташкил этади.

Черкез меваси ҳамда мевали новдачаларидан тайёрланган дори-дармонлар қон босимини ҳамда бош оғриқни даволашда кенг ишлатилади. Сўнгги йилларда черкез хом ашёларидан тайёрланаётган дори-дармонларга эҳтиёж ошиб бормоқда.

Шу нарсани қайд этишимиз лозимки, халқ хўжалигида черкез ўсимлигининг аҳамияти каттадир. Аввало, улар кўчувчи қумларни тутиб қолишда муҳим роль ўйнаса, чорва моллари учун яхши озуқадир. Унинг барги ҳамда ёш новдачаларидан жун матоларни бўяшда иш-

латиладиган бўёқ моддасини, новдаларини ёқиб, унинг кулидан эса ишқор олиш мумкин.

Бу ўсимликнинг фойдали хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг биологиясини ҳар тарафлама янада чуқурроқ ўрганиш ва табиий бойликларидан ўринли фойдаланиш лозим.

✓ **ЧОЙЎТ** (хиперикум перфортум) баландлиги 70—75 см келадиган, чойўтдошларга кирувчи кўп йиллик ўт. Пояси юқори қисмидан шохчаланган, силлиқ бўлади. Барги тухумсимон, тўпгуялари чўткасимон-рувак ёки юмалоқ-тухумсимондир (6-расм).

Чойўт май-июль ойларида гуллайди, уруғи август-сентябрларда пишади. Бу ўсимлик республикамизнинг деярли барча областларининг территорияларида учрайди. Чойўтнинг табиий ҳолдаги бойликлари йўқ. Унинг унча катта бўлмаган бойликлари тоғли районларимизнинг территорияларида мавжуд. Ўсиш шароитига қараб чойўтзорларнинг ҳар гектар майдонидан 25—50 кг гача хом ашё йиғиштириб олиш мумкин.

Чойўтнинг шифобахшлик хусусияти қадимдан маълум, «чойўт 99 дардга даво» деб бежиз айтилмаган.

Чойўтнинг барги, новда ва тўпгуялари, айниқса гуллаш пайтида дори-дармонлик хусусиятига эга бўлади. Шу сабабли ўсимлик уч томонидан асосига қараб 15—30 см узунликда қирқиб олинади. Хом ашё учун терилган маҳсулотлар соя жойда, шамол ўтиб турадиган хоналарда тезда қуритиб олинади. Ундан тайёрланган дори-дармонлар билан турли хасталикларни, айниқса, жигар, ошқозон-ичак, шамоллаш касалликларини даволаш мумкин. Шунингдек, ундан бўёқ олса ҳам бўлади.



6-расм. Чойўт.

Илмий медицинада чойўтдан ошқозон-ичак, жигар, йўтал, яра, зотилжам касалликларини даволашда, қон кетишини тўхтатишда дори-дармон сифатида фойдаланилади.

Чойўтдан тайёрланган иманин ва оқсилли препарат — гиптальбин ёрдамида шикастланган тўқимани тиклаш мумкин. Адабиётларда келтирилган маълумотларга қарганда чойўтдан тайёрланган шарбат вена қон томирига юборилса, у юрак иш фаолиятини ва қон босимини яхшилайдди, иштаҳани очади, ошқозон-ичак ишини тартибга солади.

Болгар халқ медицинасида чойўтдан ошқозон ширасидаги кислотани пасайтиришда, бўғим бодини, бувосил, жигар, буйрак касалликларини даволашда фойдаланилади. Чехословакияда эса нафас олиш ва ошқозон-ичак йўлларида учрайдиган турли хасталикларни даволайди.

Чойўтнинг ўта шифобахш бўлиши, унинг биологик актив моддаларга бойлигидир. Ўсимлик таркибида 13 процент ошловчи моддалар, 12 процент смола, 0,03—0,08 процент эфир мойлари, шакар, бўёқ, каротин, С, Р витаминлари бўлади. Шунингдек, сапонин, флавоногиперин, гиперинин, гиперозид, азулен, псевдогиперин каби бошқа органик моддалар ҳам мавжуддир. Чойўтдан тайёрланган маҳсулотларга бўлган талаб кун сайин ўсиб бормоқда. Чойўт хом ашёларини териб, тайёрлаш билан Ўзбекистон Ўрмон хўжалик министрлигининг доривор ўсимликларни тайёрлаш бошқармаси шуғулланади. Агар ўнниччи беш йилликда чойўт хом ашёси 1,2 тонна тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич ўн иккинчи беш йилликда 1,5 баробарга ошади. Шу сабабли, унинг табиий бойликларидан унумли фойдаланишимиз лозим. Чойўтнинг табиий бойликлари йўқолиб кетмаслиги учун, ўсимлик йиғиштирилаётган майдонлар навбатлаштириб турилиши, уруғли туплар қолдирилиши зарур. Чойўтни уруғидан осонлик билан кўпайтирса бўлади.

ШИРИНМИЯ (глицирриза глабра) дуккакдошлар оиласига мансуб, илдиз системаси бирмунча яхши ривожланган, тик ўсувчи кўп йиллик ўтдир. Унинг бўйи 40—120 (200) см, пояси сершоҳ, қисқа, дағал тукчаларга эга. Барги мураккаб тоқ патсимон, йирик, ёнбаргчалари бигизсимон, тез тўкилиб кетади. Дуккаклари туксиз, баъзан безли тукчалар билан қопланган бўлиб, тўғри ёки бир оз қийшайган. Уруғлари майда, деяр-

ли юмалоқ, бир оз бўртган, силлиқ, тўқ-қўнғир ранг-лидир. Ширинмия апрель-майда гуллайди, уруғи июль-сентябрда пишади.

Бу ўсимлик ариқ бўйларида, дарё соҳилларида, тўқайзорларда, шўрхок ерларда, айрим пайтларда бегона ўт сифатида экин майдонларида учрайди. Умуман, ширинмия республиканинг чўл, адир ва тоғ зонасининг ўрта қисмигача бўлган жойларда ўсади.

Халқ табобатида ширинмиянинг илдиз шарбатидан шамоллаш, ошқозон-ичак касалликларини даволашда кенг фойдаланилади.

Илмий медицинада ширинмиядан тайёрланган препаратлар бод, тери, кўз касалликларини даволашда ишлатилади. Ундан тайёрланган галенли дори-дармонлар балғам кўчириш хусусиятига эга.

Ширинмия илдизи таркибида 6—14 процент глюкозид-глицирринин ва олма кислоталари, шакар, оқсил, ёғ, танид ҳамда сапонин моддалари бор.

Ширинмия илдизи экспорт қилинадиган хом ашёлардан бири ҳисобланади. Уни экспорт қилиш билан «Союзлакрица» ташкилоти шуғулланади.

Ширинмия илдизини тайёрлаш ишлари билан Нукус ўрмон хўжалик ташкилоти банддир. Ҳар йили бу ўсимлик илдизидан 100 тонна хом ашё тайёрланиб, бутунитифоқ «Союзлакрица» бирлашмасининг Нукус филиалига топширилади.

Ширинмия илдизи ҳамда илдиз бачкиларидан тез ўсади ҳамда ривожланади. Уни уруғидан кўпайтирса ҳам бўлади. Бу ўсимликни маданийлаштириш, яъни экинга айлантириш мақсадга мувофиқдир. Бу борада УзССР ФА Ботаника институтининг олимлари улкан ишлар олиб бормоқдалар.

ЭРМОН (артемизия абсинтиум) мураккабгулдошлар оиласига кирувчи, бўйи 50—100 см келадиган кўп йиллик ўт. Пояси тик ўсувчи, бир оз қиррали бўлиб, юқори қисми шохланган. Илдизолди барглари узун бандли, учбурчак, юмалоқ, икки-уч маротаба патсимон қирқилган. Ўрта қисмидан барглар ҳам патсимон қирқилган, юқоридагилари эса уч бўлакли бўлиб, пояда кетма-кет жойлашган. Эрмоннинг поя ва баргида туклар кўп бўлганлиги учун ўсимлик кумушсимон рангда кўринади. Гуллари майда, сариқ, саватчага тўпланган. Гуллари руваксимон гултўплагини ҳосил қилади. Уруғи ўткир учли, чўзинчоқ, қўнғир рангли.

Май-июнь ойларида гуллайди, уруғи сентябрда етишади. Эрмон, айниқса Тошкент, Фарғона, Андижон ва

Сурхондарё областлари территориясида кўп учрайди. Тўқайзорларда, ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, тоғ ва тепаликларнинг ён бағирларида ҳамда бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади.

Ўсимлик гуллашидан олдин ёки гуллаганида фақат илдиозолди барглари йиғилади, тўлиқ гуллаганида эса поянинг учидан 25—30 см узунликда ўриб олинади ва соя ерда қуритилади.

Эрмон ўсимлигининг ер устки қисми таркибида эфир мойи, абсинтин ва анабситин аччиқ глюкозидлари, хамазулен, органик кислоталар, С, К витаминлари, каротин, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Абу Али ибн Сино эрмон ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма билан кўз яллиғланишини даволаган ҳамда ўт, сийдик, гижжа ҳайдовчи ва аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтирувчи дори сифатида қўллаган. Булардан ташқари, ўсимлик ширасини истисқо ва сариқ касалликларини даволашда ҳамда иштаҳа очувчи восита сифатида ишлатган. Эрмон ўсимлигини янчиб, унга атиргул ва хина мойларидан қўшиб, жигар ва қорин оғриғида оғриган баданга боғлаган.

Халқ табобатида эрмон ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама жигар, ўт пуфағи, ичак яраси, безгак, бавосил, овқат ҳазмининг бузилиши, ич кетиш касалликларини ҳамда яраларни даволашда, иштаҳа очувчи, ухлатувчи, гижжа ва ел ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида ишлатилади.

Эрмон ўсимлиги қайнатмасидан зарпечак қайнатмасига аралаштириб, тутқаноқ ва камқонликни даволайдилар. Эрмон ўсимлигидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуйилади, устига қуритилган ва майдаланган эрмоннинг ер устки қисмидан бир чой қошиқ солиб дамланади (қайнатилмайди). Сўнгра докада сузиб, кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин чорак стакандан ичилади.

Илмий медицинада эрмон ўсимлигининг доривор препаратлари (дамламаси, настойкаси, экстракт) овқат ҳазм қилишни яхшиловчи, иштаҳа очувчи дори сифатида ишлатилади.

Эрмон ўсимлигидан ажратиб олинган хамазулин моддаси бронхиал астма, бод ва рентген нури таъсирида куйган ерларни даволашда қўлланади.

Эрмон хом ашёсини тайёрлаш билан Республика Ўрмон хўжалик министрлигининг доривор ўсимликларни тайёрлаш бошқармаси шуғулланади. Бурчмулла,

Паркент, Чирчиқ ўрмон хўжаликларида ҳар йили 3 тоннадан зиёд маҳсулот йиғиб олинади. Ун биринчи



7-расм. Ялпиз.

беш йилликда 10 тонна эрмон ўти хом ашёси тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич ўн иккинчи беш йилликда камида 1,5 бараварга ошади.

ЯЛПИЗ (мента арвензис) пояси тик, кўп новдали, жингалак ёки момиқ тукчалар билан қопланган, бўйи 70 см келадиган кўп йиллик лабгулдошларга мансуб ўсимлик. Барги узунчоқ, ўткирроқ, асоси понасимон, тишчали, жингалак тукчали бўлади. Гуллари бандли, узунроқ, тенг косачабаргли, ярим шарсимон. Гултожи-барги 4—5 мм, оч-қизил бинафша ранглидир (7-расм).

У июль-август ойларида гуллайди, уруғи август-сентябрда етишади. Бу ўсимлик тоғолди қисмигача бўлган юқори адир зоналарида, зах ва нам жойларда, булоқ ва ариқ атрофларидаги ерларда учрайди. У жуда ҳам яхлит майдонларда ўсмайди. Асосий бойликлари лентасимон ҳолда жойлашган бўлиб, ҳар гектаридан 70—150 кг хом ашё йиғиштириб олса бўлади.

Ялпизлар жуда ҳам қадрланади. Унинг ёқимли ҳиди бош мия фаолиятини яхшилайти, киши ўзини енгил ҳис этади. Ялпизларнинг барги ва барра новдалари турли мевалардан тайёрланган компотларга, конфетларга, чойларга ҳид беришда ишлатилади. Шунингдек, бу ўсимликдан спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда ҳам кенг фойдаланилади.

Халқ табобатида ҳамда илмий медицинада ялпизлар кенг қўлланилади. Нафас йўллари ва овқат ҳазм қилиш аъзоларининг фаолиятини яхшилашда, бод, қичмани даволашда ҳамда оғриқни пасайтиришда, доридармонларга ёқимли ҳид беришда фойдаланиш мумкин.

Ялпизнинг таркибида 0,08—3 процент эфир мойи, 8 процент танид, аччиқ моддалар, кофеин ва хлороген кислоталари, С витамини ва А провитамини ҳамда минерал тузлар бор.

ҚИРҚБЎҒИМ (екунзетум арвензе). Бу ўсимлик спорали кўп йиллик ўт бўлиб, қирқбўғимдошлар оиласига мансубдир. Унинг бўйи 40—60 см, поя ҳамда новдалари бўғимларга бўлинган. Апрель-май ойларида қизғиш-қўнғир рангли шохланмаган новдалари кўкариб, унинг уч қисмида спорали бошоқлари бўлади.

Қирқбўғим ариқ ва дарё бўйларидаги зах ва ботқоқ ерларда, ўтлоқзорларда учрайди.

Қирқбўғимдан дори-дармон сифатида қадим замонлардан бошлаб фойдаланиб келинган. Халқ табобатида унинг қиёми ёки шарбатидан ҳамда қайнатмасидан ошқозон-ичак жароҳатлари, қон кетиш, зотилжам, йўтал, ўпка сили, буйрак ва юрак касалликларини даволашда фойдаланилади.

Илмий медицинада қирқбўғимдан тайёрланган препаратлар, яъни дамлама, қайнатма ҳамда суюқ экстракт

қон айланишини яхшилашда, сийдик йўллари хасталикларини даволашда ишлатилади.

Қирқбўғимнинг таркибида флавоноидлар, эквизетонин сапонини, эквизетин алкалоидлари, каротин, органик кислоталар, ошловчи, аччиқ моддалар, минерал тузлар, оқсил, ёғ ҳамда С витамини ва А провитамиин бор.

* * *

Умуман эслатишимиз зарурки, республикамиз ўсимликлар оламида шифобахш ўсимликларнинг аниқланмаган ва ўрганилмаган турлари жуда ҳам кўп. Ҳозирга қадар уларнинг 600 га яқин туригина аниқланган, холос. Келажакда фан тараққиётининг ривожланиши билан янги-янги шифобахш ўсимлик турлари аниқланади, уларнинг ички сирлари ўрганилади ва оқилона фойдаланишнинг усуллари ишлаб чиқаришга татбиқ этилади.

Биз қўлингиздаги рисолада баъзи қимматбаҳо хом ашё берадиган шифобахш ўсимликларнинг айрим турлари ва улардан фойдаланиш йўллари ҳамда ишлатилиши билан сизни таништирдик.

Ҳурматли китобхонлар! Сиз шифобахш ўсимликларнинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириб олганингиздан оқ ўз-ўзингизни даволашга асло киришманг! Чунки ўсимлик турлари бир-бирига жуда ҳам ўхшаб кетади, уларни фарқлаш мушкул. Акс ҳолда кўнгилсиз воқеалар содир бўлиши мумкин.

Азиз, муҳтарам китобхонлар! Сиз шифобахш ўсимликлардан фойдалансангиз, албатта мутахассис врачлар ҳамда доришунослардан кўрсатмалар олинг! Вақт-вақти билан уларнинг назоратида бўлиб туришингизни маслаҳат берамиз.

Ўсимликларнинг маҳаллий номлари

Андиз (сариқандиз, қораандиз)	Лимонўт
Арслонқулоқ	Наъматак
Афсонак	Омонқора
Бозулбанг	Пиёз
Бўйимодорон	Пиёзанзур
Газандаўт	Ровоч
Гулизардак	Суворов пиёзи
Дўлана	Сув қалампир
Еввойи сабзи	Тоғдастарбош
Ерқуноқ	Тоғжамбил
Жағ-жағ	Тоғрайҳон
Жийда	Тотим
Зарафшон пиёз	Тухумак
Зира	Чаканда
Зирк	Черкез
Зоғоза	Чойўт
Зуптурум	Ширинмия
Иссоп	Эрмон
Кийикўт	Яллиз
	Қирқбўғим

Илмий медицинада кенг ишлатиладиган ўсимликларнинг маҳаллий номлари

Андиз (қораандиз)	Пиёз
Афсонак	Сувқалампир
Бозулбанг	Тотим
Бўйимодорон	Тухумак
Газандаўт	Чаканда
Еввойи сабзи	Черкез
Жағ-жағ	Чойўт
Зоғоза	Ширинмия
Зуптурум	Эрмон
Лимонўт	Қирқбўғим
Омонқора	

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Ўсимликнинг шифобахш бўлиши нималарга боғлиқ?	5
Шифобахш ўсимликларнинг ишлатиладиган органлари ҳамда уларнинг тайёрлаш муддатлари	11
Шифобахш ўсимлик бойликларини қайта тиклаш ва муҳофаза этиш йўллари	13
Шифобахш ўсимликлар ҳамда уларнинг ишлатилиши	15
Ўсимликларнинг маҳаллий номлари	56
Илмий медицинада кенг ишлатиладиган ўсимликларнинг маҳаллий номлари	56

Каххар Ходжиматович Ходжиматов
Маъмурджан Утбасарович Аллаяров

ЛЕКАРСТВЕННЫЕ РАСТЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА И ИХ ОХРАНА

На узбекском языке
Ташкент, «Фан»

Ўзбекистон ССР ФА илмий-оммабон адабиётлар таҳрир ҳайъати
томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир Х. Зарипова
Рассом В. Тий
Техмуҳаррир О. Бакалова
Корректор С. Зокирова

ИБ № 4496

Теризга берилди 12.01.88. Босишга рухсат этилди 11.03.88. P15563. Формати
84x108^{1/2} мм. Босмахона қоғози № 1. Алабий гарнитур. Юқори босма. Шартли
босма л. 3,15. Ҳисоб-нашриёт л. 2,9. Тиражи 5000. Заказ 41. Баҳоси 10 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти: 700047, Ташкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмаховаси: Ташкент, М. Горький проспекти, 79.

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ

«ИХТИЁРИЙ ТЕЛБАЛИК» номли брошюрани нашр этди:

Алкоголизм, пиёнисталик ва гиёҳвандлик —бу бир шахс, оиланинггина эмас, балки бутун жамият учун ҳам фожиавий бир ҳодисадир.

Бизнинг социалистик тузумимиз учун ёт бўлган бундай салбий ҳолатларни таг-томири билан тугатиш фақат маъмурий ташкилотлар, соғлиқни сақлаш муассасаларининггина эмас, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам муқаддас вазифасидир.

Ушбу тўпламга нарколог, психиатр, невропатолог, шунингдек философ олимлар, журналистларнинг алкоголизм ва гиёҳвандликнинг хатарли оқибатлари ҳақидаги мақолалари киритилган.

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

**Т. МИРЗАЛИЕВНИНГ «КОСМОС — ТАБИИЙ
МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ХИЗМАТИДА»
НОМЛИ БРОШЮРАСИНИ НАШР ЭТДИ:**

Ҳозирги вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инсониятнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилишда космосдан олинган суратлардан фойдаланила бошланди. Рисолада табиий муҳитни муҳофаза қилишда космик суратлардан фойдаланишнинг баъзи бир масалалари ёритилган.

Рисола экология масалалари билан қизиқувчи мутахассисларга ва кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.